

930-2
4
A-14
41.633

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети

296



УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ

Маърузалар матни

Тошкент – 2000

4352 Умреши минимизи
у факетика за
А-14 фанатологича

20000.

0-15228 6 x 045 2550
Кочнево 29.09.06 10000
11 887 29000


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



А.А. АБДУАЗИЗОВ

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ

(Назарий курс)



21296




Умумий тилшунослик курси учун ўқув режасида жамми 52 соат (34 соат—маъруза, 18 соат—семинар) ажратилган.

Ўқув дастурига асосан курснинг фонетика ва фонология бўлимига 12 соат (8 соат—маъруза, 4 соат—семинар) берилган. Унда ҳозирги давр тилшунослигида фонетика ва фонологияга доир қарашлар, асосий илмий йўналишлар, фонематика ва просодикада мавжуд бўлган тушунчалар ва методлар изоҳланган.

Маърузалар матни Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик кафедрасининг 1999 йил «28» августдаги мажлисида муҳокама қилиниб ўқув жараёнига тавсия этилган.

Муаллиф: **проф.АБДУАЗИЗОВ А.А.**

Маъсул мухаррир: **доц. САЛИМОВ Ғ.Ҳ.**



ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ

Фонологиянинг келиб чиқишида фонетика катта роль ўйнади. Фонетика қадим замонлардан бери мавжуд эди. Фонология эса XIX асрнинг иккинчи ярмига ва XX аср бошига келиб, тилшуносликнинг фонетика бобида алоҳида соҳа сифатида қарала бошланди. Фонологиянинг келиб чиқиши ва тараққиётида машҳур рус ва поляк олими И.А.Бодуэн де Куртене (1845—1929), таниқли рус тилшуноси Л.В.Щерба (1880—1944), Н.Ф.Яковлев, П.К.Услар, Н.С.Трубецкой (1890—1938), Р.Якобсон ва бошқалар катта хизмат қилдилар. Туркий тиллар фонетика ва фонологиясини чуқур тадқиқ қилишда В.В.Радлов (1837—1918), В.А.Богородицкий (1857—1941), Е.Д.Поливанов (1891—1938), Н.К.Дмитриев (1898—1954), С.Е.Малов (1880—1957) ва бошқаларнинг тадқиқотлари катта аҳамиятга эгадир.

Қуйида ҳозирги давр тилшунослигида энг кўп қўлланивчи фонологик назариялардаги тушунча ва терминлар, улардаги принцип ва методларни қисқача тасниф этамиз.

ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Фонетика ва фонологияга ҳар хил қарашлар мавжуд. Баъзи тилшунослар фонетика тилдаги товушлар, бўғин ва интонацияни текширишини ҳисобга олиб, фонологияни фонетиканинг абстракт (мавҳум) поёнаси сифатида ёки фонетиканинг артикуляцион, акустик, эшитиб ҳис қилиш томонлари қаторида тўртинчи фонологик аспект деб ҳисоблайдилар. Бунда фонологик аспект тилдаги товуш, бўғин, ургу ва интонациянинг маънони фарқлаш хусусиятлари, уларнинг социал ва функционал томонларини ўрганиши кўрсатилади. Барча фанларда икки босқич тан олинади : конкрет (кўринувчи) босқич ва мавҳум (абстракт) босқич. Тилнинг ифода қилиш планида конкрет босқичга—фонетика ва мавҳум босқичга—фонология тўғри келади. Тилнинг мазмун планига конкрет босқичда семантика (сўзларнинг луғатда берилган маънолари) ва абстракт босқичда мавҳум структурал семантика мос келади. Ҳар бир босқичнинг ўз тил бирлиги бор. Фонетиканинг бирлиги конкрет талаффузга эга бўлган товушлар, фонологиянинг бирлиги мавҳум тушунча—фонемалардир.¹

Тилшунослиқда фонологияни фонетикадан ажратиб олиб, уларни бир—бирига қарама—қарши қўйиш структурал оқимда келиб чиқди. Прага функционал структурализм оқимининг таниқли намояндаси Н.С. Трубецкой (1939 йил) фонетикани одам нутқининг (товушларнинг) материал томони, яъни артикуляцияси ва акустикаси ҳақидаги фан деб, фонологияни эса, тилдаги товушларнинг маънони фарқлашга хизмат қилувчи аломатлари ва функцияларини ўрганувчи фан деб таърифлаган эди. Бу таърифда тилни нутққа, товушларнинг материал томонини уларнинг функционал томонига қарама—қарши қўйиш ёрқин кўринади. Бироқ, диалектик материализм нуқтаи назаридан материя бирламчи ва онг-иккиламчи эканлигини, ҳамда фалсафанинг умумийлик, алоҳидалик ва яққалик ҳақидаги категориясини ҳисобга олганда, фонетика ва фонология ўртасида узвий боғлиқлик ёрқин

¹ Ю.С.Степанов. Семиотика. «Наука», М., 1971, стр. 47—49.

намоён бўлади. Товушларнинг материал томони (артикуляцион, акустик ва эшитиб ҳис қилиш томонлари) уларнинг функционал томонини алоҳида қарашни тақозо қилмайди. Баки бу боғлиқлик нутқ товушларини икки нуктаи назардан—фонетик ва фонологик жиҳатдан ўрганишни ва улар бир—бирини тўлдиришини изоҳлайди. Фонетика конкрет материалга эга бўлган элементлар билан иш тутса, фонология шу элементларнинг тилда умумий, алоҳида ва ягона функция бажаришини текширади. Шу жиҳатдан фонологияни қанчалик фонетикадан ажратиб олиб, алоҳида фан сифатида қаралмасин, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Фонетикада ҳар бир нутқ товуши (кенг маънода бўгин, урғу ва интонация) ўзининг артикуляцион—акустик характеристикасига эга. Масалан, (и) товуши тил олди, юқори кўтарилишдаги, лабланмаган унли.¹

Фонология шу артикуляцион—акустик хусусиятлар ичидан бир товушни иккинчисидан фарқловчиларини ҳисобга олади. Шу жиҳатдан фонетика ва фонология бир хил терминлар (тил олди, тил орқа, очиқ, ёпик, лабланган, лабланмаган, портловчи, сирғалувчи ва бошқалар) билан иш тутади. Агар бу терминлар фонетик жиҳатдан товушларнинг умумий хусусиятларига тегишли бўлса, фонология учун бу терминлар фонемаларни бир—бирларига қарама—қарши қўйганда, фарқ қилувчи **фарқланиш элементлари** сифатида қаралади. **Фонема** тилдаги ўзидан юқори бўлган бирликларни, яъни сўз, сўз формалари ва морфемаларни ташкил этувчи ва уларни фарқлашга хизмат қилувчи тилнинг энг кичик бирлигидир. Масалан, ўзбек тилидаги «бир—бар—бер—бур—бўр—бор» сўзларини фарқлашда улар таркибидаги унли фонемалар хизмат қилади. Бундай маълум ўринда бир фонеманинг иккинчисига қарама—қарши қўйилишини намоён этувчи сўзлар («бур—бор» каби) квазиомонимлар (Л.В.Шчерба термини) ёки минимал жуфтликдаги сўзлар дейилади. Одатда тилдаги фонемалар сони квазиомонимлар ёрдамида аниқланади ва бунда бир йўла бир фонемани иккинчисига қарама—қарши қўйиш орқали уларнинг фарқланиш элементлари тасниф этилади. Масалан: тол—сол сўзларидаги икки фонема—(т) ва (с) портловчи—сирғалувчи фарқланиш элементларига эга. Уларнинг ҳар иккиси ҳам тил олди, жарангсиз, шовқинли ундошлардир ва бу аломатлари **фарқланмовчи элементлар** дейилади.²

Фонема тилда ўз функциясини фонологик жиҳатдан фарқланиш ва фарқланмовчи элементлари орқали бажаради. Бироқ, баъзан бир фонемани иккинчисига қарама—қарши қўйишни намоён этувчи квазиомонимлар топишмаслиги мумкин. Масалан, рус тилидан кирган (ж) (жюри, журнал сўзларидаги) ва (ц) фонемаларини қарама—қарши қўювчи квазиомонимлар ўзбек тилида топишмайди. Шу сабабли бу фонемаларни фонемалар рўйхатидан ўчириб бўлмайди. Бу ўринда Л.Р. Зиндер фонеманинг функцияси фақат сўз ва сўз формаларини фарқлашда эмас, балки тилдаги

¹ Одатда фонемалар / / да, вариантлари ёки товушлар () да берилади. Биз ҳам шу тартибга амал қиламиз. Биз ўзбек тилида Халқаро Фонетик Алфавит белгиларини қўллаш тарафдоримиз. Бироқ, ушбу ўринда матбаа имкониятларини назарда тутиб, орфография алфавитидан фойдаланишни лозим топдик.

² Рус ва бошқа тилдаги адабиётларда фарқланиш ва фарқланмовчи элементларни «дифференциальный и интегральный элемент или признак», «фонологический и нефонологический признак», «дистинктивный и недистинктивный признак», «фонологически релевантный и фонологически иррелевантный признак», «фонологически существенный и фонологически несущественный» каби терминлар орқали таърифланади.

бирликларни таниб олишда («...чтобы опазнавать»)¹ деб жуда тўғри кўрсатади. Рус тилидан кирган сўзларни улар таркибидаги (ф), (ж), (ц) фонемаларининг функцияси орқали таниб олиш мумкин. Демак, квазиомонимлардан доим фойдаланиш мумкин эмас, чунки бу орқали барча фонемалар сонини аниқлаб бўлмайди. Тилдаги барча фонемалар (унла ва ундош фонемалар) диалектик жиҳатдан бир—бирига қарама—қарши қўйилади ва бу **фонологик оппозициялар** деб қаралади. Барча фонемалар ўртасидаги ўзаро боғланиш ва алоқалар **фонологик системани** ташкил этади. Бу боғланиш ва алоқаларнинг қандай характерда эканлиги, ундаги ички аломатлар **фонологик структурани** изоҳлайди. Ҳар бир фонема эса, фонологик бирлик (ёки элемент) сифатида қаралиб, у фонологик оппозициянинг бир аъсосидир. Ҳар бир фонеманинг фонологик системада ўз ўрни ва функцияси бор. Масалан, (нг) фонемаси ўзбек ва инглиз тилларида фақат сўз охирида келади ва бошқа фонемалардан шу функцияси орқали фарқланади (том — тонг каби).

Фонологик таснифда фонемалар парадигматик ва синтагматик жиҳатдан қаралади. Фонемаларни (ва бошқа тил бирликларини) бир хил ўринларда бир—бири билан қиёслаш **парадигматик алоқалар** деб аталади. Фонемаларни парадигматик планда қараш орқали уларнинг фарқланиш элементлари аниқланади. Синтагматик планда фонемаларнинг қайси ўринларда учраши, сўз, морфема ва бўғинларда тақсироти, умуман нутқ жараёнидаги артикуляция—акустик хусусиятларининг ўзгариши ўрганилади. Тилнинг фонологик системаси фонемалар ўртасидаги парадигматик ва синтагматик алоқаларнинг боғланиши асосига қурилгандир. (п), (т), (к) фонемалари унлилардан олдин, улар ўртасида ва сўз охирида келганда, аспирацияли ва бошқа ўринларда эса аспирациясиз вариантларига эга. Лекин бу икки хусусият сўзларни фарқлашга хизмат қилмайди. Бошқача айтганда, фонемаларнинг нутқ жараёнида бир қанча вариантлари (улар ҳозирги давр фонологиясида «аллофонлар» деб ҳам аталади) уларнинг синтагматик хусусиятларига тегишлидир. Парадигматика ва синтагматиканинг муносабати фонология ва фонетиканинг боғланишида етакчидир. Чунки парадигматикада тилдаги фонемалар фарқланса, синтагматикада ўша фонемаларни нутқда намоён этувчи товушлар, яъни фонемаларнинг аллофонлари фарқланади. Бундай муносабат яна бошқа дихотомик (иккиталик) фарқланишларни ҳам вужудга келтиради. Улар структура—система, диахрония—синхрония, динамика—статика ўртасидаги фарқланиш ва боғланишларда кўринади. Тилнинг тараққиётида одатда фонетик ўзгаришлар аста—секин фонологик эволюцияга олиб келади. Фонетика ва фонологиянинг бир—бири билан боғлиқлиги барча фарқланишларда ҳам кўринади. Чунки синтагматикасиз парадигматика, структурасиз система, диахрониясиз синхрония, динамикасиз статика бўлмайди. Бу боғланишда тил ва нутқдаги барча элементларнинг диалектик алоқалари мужассамлашган. Нутқнинг фонетик жиҳатдан майда бўлақларга бўлиниши сегментация дейилади. Ҳар бир бўлинган бўлақ **сегмент** дейилади. Нутқнинг фонетик бўлинишида йирик сегмент (масалан, фраза), ўз навбатида, майда сегментларга—такт, бўғин ва товушларга бўлиниши мумкин. Нутқ ва тилнинг бўлиниши ҳам бир хил эмас. Тилнинг энг йирик бирлиги гап деб қаралса, у ўз навбатида сўз бирикмаларига, сўз

¹ А.Р.Зиндер. О «минимальных парах», Сб. «Язык и человек». Изд. МГУ. 1960, стр. 109.

бирикмалари сўзларга, сўзлар морфемаларга (ёхуд бир сўз бир морфемага тўғри келади), морфемалар эса фонемаларга бўлинади. Нутқнинг фонетик бўлиниши ва киши эшитиб ҳис қила олувчи аниқ психолингвистик бирликлар ҳамда тилни тадқиқ қилишдаги бирликлар ўртасида катта фарқ мавжудлигини қуйидаги таблицда кўриш мумкин.

Л.В.Шчерба бўйича нутқнинг фонетик бўлиниши ¹	А.А.Реформатс – кий бўйича нутқнинг бўлиниши ²	Л.Р. Зиндер ва Л.В. Бондарко бўйича реал бирликлар – нинг бўлинишини психолингвистик тартиби ³	Тил бирликлари
нутқнинг синтактик бўлиниши товушлар } бўғинлар } нутқ сўзлар (рус тилида) ритмик гуруҳлар (француз тилида), синтагма, фраза.	Фраза такт бўғин товуш	бўғин сўз синтагма фраза	фонема морфема сўз сўз бирикмаси, гап
Ҳар томонлама эшитилиши жиҳатидан ҳар хил катта ва кичик бўлакларга бўлинувчи нутқ товушлар бирикмаси сифатида.	Нутқ – товушлар бирикмаси .	Одам томонидан эшитиб ҳис қилина олувчи, нутқда табиий бўлакларга бўлинувчи ифода бирлиги.	Система ва структурасига эга бўлган, бир – бири билан узвий боғлиқ тил бирликлари.

Фонетик жиҳатдан нутқдаги йирик сегментларни улаш учун урғу ва интонация зарур экан, тилдаги бирликларни ҳам бир – биридан фарқлаш ва уларнинг маъно (семантик) жиҳатини текшириш учун урғу ва интонациянинг вазифасидан фойдаланилади. Тилдаги энг кичик бирликлар

¹ Л.В.Шчерба. Фонетика французского языка, М., 1957, стр. 86.

² А.А.Реформатский. Введение в языковедение. М., 1967, стр. 187 – 192

³ Л.В.Бондарко, Л.Р.Зиндер. Исследование фонетики. В книге «Основы теории речевой деятельности». М., 1974, глава 2, стр. 145 – 160.

фонемалар бўлиб, улар нутқда энг кичик сегментлар, яъни товушларда намоён бўлади. Шу сабабли фонология икки поғонага бўлинади. Энг кичик бириклар бўлган фонемаларни текширувчи поғонаси **сегментал фонология** деб юритилади. Фонемалардан катта ёки юқори бўлган тил бирикларига (сўз, морфема, гап) тегишли бўлган фонологик хусусиятлар **супросегментал фонологияда** текширилади. Сегментал фонология баъзан «фонематика», «фонемика» ёки «фонология» деб аталади. Супросегментал фонология эса баъзан «просодика» (Н.С.Трубецкой термини) деб аталади. Товушларда намоён бўлувчи фонемалар «сегмент фонемалар, бўгин, урғу ва интонациянинг маънони фарқлаш функциялари «суперсегмент фонемалар» ёки «просодема» лар деб юритилади. Баъзи тилшунослар (В.А.Васильев) фонетика ва фонологиянинг узвий боғлиқлигини ҳисобга олиб, сегментал фонетика ва фонологияни, супрасегментал фонетика ва фонологияни тан оладилар. Бунда фонетик ва фонологик бириклар ўртасида қуйидагича муносабат ўрнатилади:¹

Фонетика	Фонология
Сегментал фонетика	Сегментал фонология (фонемика)
Товуш	Фонема
Супрасегментал фонетика	Супрасегментал фонология (просодика)
бўгин урғу интонация	силлабема акцентема интонема

Бунда фонологик жиҳатдан сўз урғуси — сўз акцентема («словоакцентема»), синтагматик урғу — «синтагмоакцентема», фраза урғуси — «фразоакцентема» деб юритилади. Фақат овоз тонининг ўзгариши (наст, баланглиги) билан боғлиқ бўлган маъно ажратувчи бирик **тонема** деб аталади. Е.Д.Поливанов бўгиннинг фонологик жиҳатдан тилдаги сўзларнинг маъноларини фарқлаш функцияси баъзи тилларда, хусусан дунган тилида бор эканлигини ҳисобга олиб, бўгинни уч томонлама қараши тавсия этган эди.

1) **силлабема** (яъни бўгин таркиби, уларнинг маълум унли ва ундошлардан ва бўгин ажратиш хусусиятига эга бўлмаган сонантлардан ташкил топганлиги); 2) **тонема** (яъни овоз тонининг оҳанги ёки бўгин интонацияси); 3) **акцентема** (яъни бўгиндаги урғунинг кучли ва кучсизлиги).² Силлабема ва тонема тушунчаларини фонологик жиҳатдан музикал урғуга (тонга) эга бўлган тилларда қўллаш мумкин. Ўзбек ва рус тилларида кучли динамик урғу мавжудлиги туфайли фонологик жиҳатдан акцентема тушунчасини қўллаш мумкин. Бунда олма — олма, тўхта — тўхта сўзлари урғунинг ўрни ва бўгинда урғунинг кучи орқали фарқланади. Бундай оппозиция тушунчаси тил бирикларига (фонемалар) нисбатан ишлатилса, урғу ва интонация тил бириклари бўлмагани туфайли оддий контраст, қарама — қарши қўйиш тушунчаси ишлатилади. Товушлар, бўгин структураси, урғу ва интонацияни аввал экспериментал — фонетик методлар

¹ В.А.Васильев. Фонетика английского языка. (Теоретический курс на английском языке) М., 1970.

² Е.Д.Поливанов. Музыкальное слогаударение и «тонь» дунганского языка. Сб. «Вопросы орфографии дунганского языка». Фрунзе, 1937, стр. 31-42.

(рентгенография, спектрография, осциллография каби) ёрдамида чуқур текшириш уларнинг артикуляцион, акустик ва эшитиб ҳис қилиш томонларини чуқур ўрганишга олиб келади. Ана шундагина уларнинг функционал томонларини ўрганиш, яъни фонологик жиҳатдан қараш учун маълум йўл очилади. Фонетика ва фонология ўртасидаги зарурий боғланишнинг назарий ва амалий қиммати яна ҳам ошади. Уларнинг бир — бирини тўлдириши, бир — бирига ёрдам бериши янада равшанроқ кўзга ташланади.

ФОНОЛОГИК НАЗАРИЯЛАР ВА ФОНОЛОГИК ТАСНИФ МЕТОДЛАРИ

Ҳозирги даврга қадар асосан қуйидаги фонологик назариялар мавжуд (уларни хронологик тартибда санаб, фонемага берган таърифларини қисқача изоҳлаймиз):

1. Бодуэн де Куртенининг психологик фонема назарияси. Бу назарияга асосан «фонема — нутқ товушларининг психик эквиваленти» деб қаралади. Бунда фонема бир ёки бир қанча товушлар доирасида талаффуз этилувчи артикуляцион ва акустик тасаввурларнинг йиғиндиси бўлиб, психологик жиҳатдан эса маълум бир умумий тушунча ёки тасаввур ҳосил қилади, деб кўрсатилади. Бошқача айтганда, фонема товуш ҳақидаги умумий тасаввур бўлса, товуш эса фонемани талаффуз қилишдаги аниқ (конкрет) тасаввурга тўғри келади. Кейинчалик И.А.Бодуэн де Куртене фонемаларни тилдаги энг кичик маънодор бирликлар ҳисобланган морфемаларнинг компонентни сифатида қараган эди. Чунки Бодуэн фонемаларнинг морфемалардаги ўрин алмашуви маънони фарқлашга хизмат қилишини ҳисобга олган эди.

2. Бодуэннинг кейинги қараши асосида морфологик фонема назарияси вужудга келди. Бу назария кейинча фонетиканинг икки қисмга — морфологик фонетика (фонема, бўгин, ургу ҳамда морфема ва сўзлардаги товуш алмашуви) ва синтактик фонетикага (интонация) бўлинишига олиб келди.

3. Бодуэн де Куртенининг шогирди машҳур тилшунос олим, академик Л.В.Шчербанинг физик (ёки акустик) фонема назарияси. Бу назарияга асосан фонема тилдаги энг кичик умумий акустик тасаввур бўлиб, ўша тилдаги маъно тасаввурлари билан боғланишга қодирдир. Тасаввур тушунчаси Л.В.Шчербанинг фонемага психологик жиҳатдан қарашдан воз кечмаганини кўрсатади. Кейинчалик Л.В.Шчерба киши нутқида жуда кўп ҳар хил товушлар борлиги, улар унча кўп бўлмаган умумий товуш типларига бирикиши ва бу сўз ҳамда сўз формаларини фарқлаш учун хизмат қилувчи товуш типларини фонемалар деб атади. Нутқ жараёнида аниқ талаффуз қилинувчи якка товушларни эса фонемаларнинг оттенкалари деб атади. Бу оттенкалар ичидан алоҳида бири акустик ва физиологик жиҳатдан бошқа оттенкаларнинг кўп ҳусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Оттенкаларнинг бундай «типик вакили» умуман фонемага яқин туради ва якка товушларнинг алоҳида бирлигини ташкил этади. Бу таърифда диалектик материализмнинг умумийлик, яқкалик ва алоҳидалик категорияси муҳим ўрин тутади.

4. Инглиз фонетисти Д.Джоунзнинг акустик фонема назарияси, Д.Джоунз «фонема» тушунчасини академик Л.В.Щербадан ўрганганини тан олади. У фонемани «бир хил товушларнинг артикуляцион ва акустик оиласи» деб таърифлайди ва фонеманинг асосий (нутқда энг кўп ишлатилувчи) ва ёрдамчи (у ёки бу ўринда ишлатилувчи) «аъзолари», яъни вакиллари борлигини кўрсатади. Бу назарияда фонема ва товуш ўртасидаги фарқ кўрсатилмайди. Яъни бир товуш доирасида айтувчи барча товушлар бир фонемага «оила» сифатида бирлашади. (Масалан, И₁, И₂, И₃... — И фонемаси). Маълумки, фонема бир товуш доирасидан чиқиб, бир қанча бир хил товушларда намоён бўла олади. Бу фонологик назария чет эл тилшунослигида (айниқса, Англия, АҚШда) ишлатилади.

Бошқа фонологик назариялар куйидагилардир:

5. У.Тводеллнинг (АҚШ) микро ва макрофонема назарияси.

6. Н.С.Трубецкойнинг фонологик назарияси (баъзан «Прага фонологик мактаби назарияси ёки «реляцион — физик назария» деб аталади.).

7. Дескриптив фонология назарияси.

8. Глоссематик фонология назарияси. Л.Ельмслев (Дания).

9. Рус тилшунослигида уч фонологик назария:

1) Москва фонология мактаби (МФМ);

2) Петербург фонология мактаби (ПФМ) назарияси;

3) С.И.Бернштейннинг фонологик назарияси.

10. Дихотомик фонология назарияси.

11. Икки поғонали фонология назарияси.

12. Генератив фонология назарияси ва бошқалар.

Юқоридаги фонологик назариялар ичида баъзи оқимлар ва алоҳида фикрда бўлган тилшунослар ҳам бор. Бу, айниқса, тарихий (диахроник) фонология масалаларини ўрганишда яққол кўринади. Қуйида биз совет фонология назариялари ва фонологик тасниф учун зарур бўлган Н.С.Трубецкой назариясидаги оппозиция методи ва фонемаларнинг синтагматик жиҳатдан текширишда ишлатилувчи дистрибуция методи ва улар билан боғлиқ бўлган дихотомик фонология методи ҳақида фикр юритамиз.

Ҳозирги рус тилшунослигидаги фонологик назариялар академик Л.В.Щерба назариясига асосланиб, уни ривожлантирмоқда. Москва ва Петербург фонология мактаблари назариялари бир — бирига диалектик жиҳатдан зид бўлмаган назариялардир. Бу назариялар ўртасидаги илмий тортишув фақатгина фонологик метод ва фонема тушунчасига таъриф доирасида бормоқда. Ленинград фонология мактаби назарияси юқорида кўрсатилган Л.В.Щербанинг фонологик назариясига асосланиб, фонема ва унинг оттенкасини тан олади. (Бу мактаб вакиллари — А.Р.Зиндер, М.И.Матусевич, А.Н.Гвоздев ва бошқалардир). А.Р.Зиндернинг кўрсатишича:

1. Фонема ҳақиқатда бошқа тил бирликларидан фарқ қилувчи бирлик.

2. Фонема фонетик бирлик бўлиб, у нутқ товушлари орқали маълум фонетик характеристикасига эгадир.¹ Кўринадики, фонема тилда ўзининг реал (аниқ) вазифасига ва материал жиҳатдан ўз артикуляцион — акустик хусусиятига эга. ПФМ мактаби фонемага сўз ва сўз формаларининг маъноларини фарқловчи аниқ энг кичик тил (товуш) бирлиги деб қарайди. Унинг фонетик жиҳатдан мустақил бирлик эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Москва фонология мактаби (вакиллари Н.Ф.Яковлев, П.С. Кузнецов, В.Н.Сидоров, Р.И.Аванесов, А.А.Реформатский ва бошқалар) маълум товушни бирор фонемага тегишли эканлигини аниқлашда морфологик принципга, яъни товушнинг морфемадаги ўрнига (позициясига) асосланади. Бунда нутқ товушларининг бирор фонемага тегишли эканлиги улар ўртасидаги артикуляцион — акустик яқинликни инкор этади. Кейинги қараш ПФМ учун хос. Шу туфайли МФМ бўйича фонема морфемаларни фарқловчи бирлик сифатида қаралади.

Ҳар икки назария ўртасидаги боғланиш фонемага тилининг товуш материясидаги реал бирлик сифатида қаралишида кўринади. Фонеманинг материал томони эса, ўз навбатида унинг функционал вазифаси билан боғланади. Бунда фонема энг кичик тил бирлиги сифатида ўзидан катта тил бирликларини — сўз ва фонемаларни ташкил этувчилик ва бир йўла фарқловчилик вазифасини бажаради. ПФМ нинг морфологик принципти тан олмагани фонемаларнинг ҳар хил вариацияларини (фонемаларнинг маълум ҳолатдаги ўзгаришлари) жуда камайтириб, уларни фонеманинг оттенкаларига тенглаштиради. МФМ фонема, унинг варианти ва вариацияси тушунчаларини таклиф этади. Бунда талаффузнинг икки ҳолати назарга олинади. Кучли ҳолат, одатда, ургули ўринда бўлиб, унда фонемалар ўз функцияларини тўлароқ бажарадилар. Кучсиз ҳолат, одатда, ургусиз ўринда бўлиб, унда фонемаларнинг ҳар хил вариация ва оттенкалари фарқланади. Бу икки ҳолатдаги фонемалар кучли ва кучсиз фонемалар деб ҳам юритилади. Баъзан фонемалар кучли ва кучсиз ҳолатда ўрин алмашадилар. Масалан, рус тилида вода — водный — водянной сўз формалари ўзагидаги унлиларнинг кучли ва кучсиз ҳолатда ҳар хил алмашуви рўй беради ва улар «фонема қатори» («фонемный ряд» — Р.И.Аванесов термини) деб аталади. ПФМ бундай ҳолатда «фонемалар алмашинуви» («фонемное чередование») тушунчасини қўллайди.

Кейинги даврда кучли ва кучсиз фонологик ҳолатлардан ташқари, морфологик ҳолат тушунчаси ҳам таклиф этилди. (А.А.Реформатский.²) Бу тушунча сўзлардаги морфемаларни улашдаги ҳолатга нисбатан ишлатилади. Масалан, рус тилида «пеку — печешь, бегу — бежишь, могу — мочь» каби. МФМ назариясига кўра, фонологик оппозициялар кучсиз ҳолатда нейтралзацияга дучор бўлади. Масалан, жарангли ва жарангсиз ундошлар ўртасидаги оппозиция сўз охирида нейтраллизация қилинади. Бунга жарангли ундошларнинг жарангсизлашуви сабаб бўлади: «Луг — лук, род — рот» каби. Икки фонема бу ҳолатда бир хил фарқланиш элементларига эга бўлиб қолади ва бу бирлик «**гипперфонема**» деб аталади. Прага фонологик

¹ А.Р.Зиндер. Общая фонетика. Изд. ЛГУ, 1960. Стр. 18. ПФМ нинг батафсил таснифи ҳақида шу асарга қаранг.

² МФМ нинг батафсил таснифи А.А.Реформатскийнинг «Из истории отечественной фонологии». Очерк. Хрестоматия (М., 1970)да берилган.

мактаби назариясида бу бирлик **архифонема** (Н.С.Трубецкой термини) деб аталади. Бироқ МФМ ва Трубецкой назариясидаги гиперфонема ва архифонема тушунчалари ўртасида фарқ бор. Гиперфонема нейтрализация ҳолатидаги алоҳида бирлик сифатида қаралиб, шу ўриндаги бошқа гиперфонемалардан фарқ қилади. Гиперфонема бир қанча фонемаларнинг нейтрализацияси эмас, балки у бир фонема билан ҳам чегараланиб қолиши мумкин. Кейинги давр тилшунослигида парадигматик нейтрализация (фонемалар оппозициясининг йўқолиши) ва синтагматик нейтрализация (кучсиз ҳолатда бир фонеманинг бошқа фонема билан ўрин алмашуви) фарқланмоқда.

Туркий тилларда, хусусан ўзбек тилида жарангли ундошларнинг сўз охирида жарангсизлашуви сезиларлидир. Бу ҳолатда жарангли ва жарангсиз ундошлар (т—д, п—б, к—г) каби бир хил фарқланиш элементларига эга бўлиб қолади. Улар ўртасидаги ягона фарқланиш элементи ҳисобланган жарангли—жарангсизлик белгиси йўқолади. Агар гап фақат икки жарангли ва жарангсиз ундошлар ҳақида борса, архифонема тушунчасини ишлатиш мумкин. Бироқ шу ҳолатда бу икки ундошнинг бошқа шундай ундошларга нисбатини ёки фақат жарангли ундошнинг жарангсизлашуви назарда тутилса, «гиперфонема» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Москва фонология мактаби назариясини туркий тилларни тадқиқ қилишда Н.А.Баскаков томонидан қўлланиши характерлидир. Туркий тиллар фонологиясининг баъзи масалаларини ҳал қилишда Н.А.Баскаков МФМ назариясини баъзи ўзгартишлар ва қимматли фикрлар билан бойитади. Масалан, **гиперфонема** тушунчаси ҳам Н.А.Баскаков¹ томонидан янги нуқтаи назарда қаралган. Фонемаларни тилнинг кўтарилишига кўра фарқлаш бир йўла унлилар ва тўлдирувчи хусусият сифатида ундошларга тегишли деб ҳисобланади. Бу хусусият унлиларга тегишли бўлганда, икки фонема фарқланади: 1) очиқ унли; 2) ёпиқ унли. Ёпиқ унлиларнинг лабланганлик бўйича фарқланиши ўзак морфеманинг (биринчи бўгин) структураси ва ундаги ундошларнинг табиатига боғлиқ; қатор бўйича фарқланиши эса бугун сўзнинг тузилишига боғлиқ. Агар тилнинг кўтарилиши бўйича фарқланишни фақат ундошларга тегишли тўлдирувчи хусусият деб қаралса, унда туркий тилларда бир унли гиперфонема бўгин ажратиш белгисининг функциясини бажаради. Унинг товуш хусусияти куйидагиларга боғлиқ: 1) сўзнинг структураси (олд ва орқа қатор); 2) биринчи бўгиннинг ёки ўзак морфемасининг структураси ва унинг ядроси (лабланганлик ва лабланмаганлик); 3) шу бўгинни ифодаловчи ундошнинг характери (юқори ва пастки кўтарилиш). Шу асосда Н.А.Баскаков фонемалар вакилларининг асосий хусусиятлари билан бир—бирига қарама—қарши бўлишининг аниқ симметрияси бир гиперфонема бирлигини аниқлашга имкон берган ва у туркий тилларда бўлган, асосий саккизта унли фонемалар типларида намоён бўлишини кўрсатади. Н.А. Баскаков тақлиф этган «гиперфонема» МФМ нинг тушунчасидан фарқ қилади, чунки у бўгин чегараси функциясини бажаради. Улар ўртасидаги ташқи ўхшашлик гиперфонеманинг бир қанча фонемаларни ўз ичига олишида кўринади.

Одатда, фонемалар кучли (урғули) ҳолатда ўз сифат ва миқдор белгиларини аниқ намоён этади. Бу хусусият, айниқса, рус тилида яққол

¹ Н.А.Баскаков. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969, стр. 125-126.

кўринади. Маълумки, МФМ ва ПФМ назариялари, асосан, рус тили фонологияси материалларига асосланган. Бироқ, бу назариялар бошқа тилларга ҳам таъбиқ қилинмоқда. Ўзбек тили фонетикаси ва фонологиясида академик Л.В.Шчерба ва унинг издошлари — ПФМ мактаби вакилларининг назарий фикрлари кўпроқ учрайди. И.А.Бодуэн де Куртененинг шогирди бўлган машҳур тилшунос Е.Д.Поливанов биринчилар қаторида ўзбек тили ва шеваларининг фонетикаси ҳамда фонологияси ҳақида қимматли фикрларни баён этган. Е.Д.Поливанов ўз асарларида фонема тушунчаси ўрнида «товуш тасавури» («звукопредставление») терминидан фойдаланган. Бироқ бу «товуш тасавури»ни тўла психологик маънода қўллаган эмас. Унинг илмий асарларида психологизм фақат юзаки бўлиб, у ишлатган термин ва тушунчалардагина кўринади. Назарий жиҳатдан Е.Д.Поливанов физик фонема назариясига яқин бўлиб, ҳар хил тиллардаги товуш, бўгин, урғу ва интонациянинг функционал томонларини кўпроқ тасниф этган ва фонологик назариясини чуқур фикрлар билан бойитган.

Ўзбек тилининг товушлар системасини ёритишда А.К.Боровков, А.Н. Кононов, В.В.Решетов, А.И.Киссен, А.А.Клименко ва бошқалар ҳам академик Л.В.Шчербанинг физик фонема назариясига асосланганликлари сезилади. Бунга сабаб ўзбек тилида фонеманинг морфемаларни эмас, балки сўз ва сўз формаларини фарқлашига эътибор берилганидир. Чунки ўзбек тилида фонемалар ўзак морфемаларда кўпинча ўзгаришларга учрамай, аффиксал морфемаларда учрайди.

С.И.Бернштейн¹ рус тилшунослигида алоҳида фонология назариясининг асосчисидир. И.А.Бодуэн де Куртененинг маърузаларини эшитган С.И.Бернштейн фонетиканинг ўрганиш объекти бўлган товуш структураси икки томонлама ўрганилишини кўрсатади: 1) материал жиҳатдан (талаффуз, акустик, эшитилиш), яъни физиологик ва акустик хусусиятлар ва 2) социал функцияси жиҳатдан биринчи томони **антропофоника**, иккинчиси **фонология** деб аталади ва улар ўзаро алоқадор бўлиб, бир илмий соҳани ўрганади. Материал ва функционал томонларнинг бири — бирига тўғри келмаслиги фонетик — морфологик ҳолатларнинг ҳар хилигидадир. Фонологиянинг бошланғич тушунчаси фонетик ўрин алмашув ёки альтернатция деб юритилади. С.И.Бернштейн таърифича, кенг маънода **фонема ёки тилнинг фонологик бирлиги** деб маълум тилнинг (ёки диалектнинг) тарихий ривожланиш даврига хос бўлган артикуляцион — акустик ва эшитиб ҳис қилинувчи белгиларнинг йиғиндисига тўғри келган ва ҳар хил фонетик — морфологик ҳолатларда бир — бирига ўхшаш бўлмаган товушлар элементларига айтилади. Тилнинг маънодор бирликларини — сўз ва морфемаларни бўлакларга бўлганда, бу товуш элементларининг сифати билінади ва ҳар қандай товуш алмашинувларидан холис бўлади. Ҳар бир умумлашган фонема конкрет жиҳатдан **альтернатция қатори-қатор аъзолари ёки альтернантларда** намоён бўлади.

Элементлар фонологик бирлик ёки 2 — даражали фонема юқоридаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган якка товушнинг талаффузига ҳам тўғри келади. Унинг ҳар хил ўринлардаги кўриниши **фонеманинг вариантига** тўғри келади. Элементар антропофоник бирлик — товушлардир. Икки ёки ундан ортиқ товушлар ўртасидаги алмашув **фонетик альтернатция**

¹ Бу назария ҳақида қаранг: С.И.Бернштейн. Основные положения фонологии. «Вопросы языкознания», 1962, №5, стр. 62-80.

дейлади. Ўрни ёки ҳолатига боғлиқ бўлган товушлар алмашуви **трансформация** дейлади.

2—даражали фонема морфемаларнинг маъноларини фарқлашга хизмат қилади. Трансформациянинг аъзолари йиғиндиси (яъни «трансформантлар») 3—даражали фонема ёки «морфонема»ни ташкил этади.

Кейинги даврда ўзбек тили фонологиясига МФМ ва Прага фонологик назарияларининг (Н.С.Трубецкой) айрим томонларини татбиқ қилиш бошланди. Бу фонологик назариялар ўртасида баъзи ўхшаш ва кўпгина фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Буни Н.С.Трубецкойнинг фонологик назариясини қисқача тасниф этмай пайқаш қийин.

Прага тилшунослик тўғрисида (унинг вакиллари—Н.С.Трубецкой, И.Вахек, Б.Трнка, В.Матезиус, Б.Гавранек, В.Скаличка ва бошқалар) ҳозирги давр тилшунослигининг тараққиётига катта ҳисса қўшди. Бу мактабнинг машҳур намояндаси Николай Сергеевич Трубецкой ҳозирги давр фонологиясининг асосчиларидан биридир. Унинг «Фонология асослари» (русча таржимаси «Основы фонологии», 1960 йилда нашр этилган) асари «XX аср фонологиясининг энциклопедияси» (А.А.Реформатский) ҳисобланади. Куйида шу асарда берилган фонология назариясини қисқача кўриб ўтамиз.

Н.С.Трубецкой фонология назариясининг асосий пойдевори «опозиция» (ёки «қарама—қаршилиқ») тушунчаси асосига қурилгандир. Борлиқдаги барча нарсалар бир—бирига қарама—қарши қўйилиб фарқланганидек, тилдаги товушлар ҳам опозициялар ёрдамида фарқланади. Товушлар ўртасидаги қарама—қаршилиқ икки хил бўлади: 1) икки сўзнинг маъносини фарқлай олувчи товушлар ўртасидаги қарама—қаршилиқ **фонологик опозиция** дейилади; 2) бундай хусусиятга эга бўлмаган товушлар қарама—қаршилиги **фонологик бўлмаган опозиция** дейилади. Масалан, ўзбек тилида «тош—бош» сўзларида (т) — (б) товушлари фонологик опозицияга мисол бўлади. Ўзбек тилида (п), (т), (к) товушлари икки хил аспирацияли ва аспирациясиз, баъзи ундошлар эса, қаттиқ ва юмшоқ талаффуз қилинади. Бироқ бу икки хил товушлар сўз маъноларини фарқлай олмайди, яъни улар фонологик бўлмаган опозицияда ҳисобланади. Фонологик опозициянинг ҳар бир аъзоси фонологик бирлик (фонема) дейилади. Маълум тилда ўзидан кичик бошқа фонологик birlikларга бўлинмайдиган фонологик birlik фонема дейилади.

Ҳар бир товуш бир қанча артикуляция—акустик хусусиятларга эга. Бу артикуляция—акустик хусусиятлардан баъзилари фонемаларни бир—бирларидан фарқлаш учун хизмат қилади. Масалан, қўл—қўл сўзларида (қ—к) фонемалари тил орқа ва чуқур тил орқа эканлиги фонологик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланади. Бошқа баъзи артикуляция—акустик хусусиятлар, масалан, (л) ундош товушининг юмшоқ ёки қаттиқ талаффузи уни бошқа фонемалардан фарқлай олмайди, чунки фонологик жиҳатдан аҳамиятсиз ҳисобланади. Шу жиҳатдан **фонема** фонологик жиҳатдан аҳамиятли бўлган артикуляция—акустик белгиларнинг йиғиндисиға тўғри келади. **Фонема** бир қанча товушларда намоён бўлади ва бу товушлар **фонеманинг вариантлари** (ёки фонетик вариантлар) дейилади.

Н.С.Трубецкой фонема ва унинг вариантларини ҳамда мустақил бир фонема ва фонемалар бирикмасини фарқлаш учун бир қанча қоидалар таклиф этган. Бу қоидалардан баъзиларини кўриб ўтайлик.

1. Агар икки товуш бир хил ҳолатда («позиция»да) учраса ва сўзнинг маъносини ўзгартирмай, бир—бирининг ўрнини эгаллай олса, бундай товушлар бир фонеманинг факультатив вариантлари ҳисобланади. Масалан: ўзбек тилида бирор унли товушни, айтишлик, (и)ни шу ўринда чўзиқ (и) билан алмаштириб айтсак, сўзнинг маъноси ўзгармайди (ип—и: п). Бироқ чўзиқ (и) товуши стилистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Бундай товуш фонеманинг стилистик варианты деб аталади. Ўзбек адабий тилида унлиларнинг чўзиқ—қисқа талаффузи фонологик жиҳатдан аҳамиятсиз ҳисобланади. Чўзиқлик гапирувчининг ҳис—ҳаяжонини кўрсатувчи фонетик—стилистик белгидир.

2. Агар икки товуш бир хил ҳолатда бўлиб, уларнинг ўзаро ўрин алмашуви сўз маъносини ўзгартира олса, бундай товушлар икки ҳар хил фонеманинг фонетик жиҳатдан вакили сифатида қаралади. Масалан, «бўр» сўзидаги (ў) ўрнига (о) товуши қўйилса, «бор» сўзи келиб чиқади, яъни сўзнинг маъноси ўзгаради («бўр—бор»). Демак, бу сўзлардаги (ў) ва (о) товушлари икки фонеманинг (ў) ва (о) нинг вакиллари дир.

3. Агар икки акустик (ёки артикуляцион) жиҳатдан қариндош товушлар (масалан, а₁, а₂, а₃ ...) вақт бир ҳолатда учрамаса, улар бир фонеманинг комбинатор вариантлари ҳисобланади. Масалан, ўзбек тилида (ҳ) товуши икки унли ўртасида жарангли, бошқа ҳолатларда жарангсиздир.¹

Демак, жарангли ва жарангсиз (ҳ) товушлари бир фонема (ҳ) нинг комбинатор вариантлари дир. Н.С.Трубецкой таклиф этган бир мустақил фонема ва фонемалар бирикмасини аниқлаш бўйича қоидалар ичида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эгадир:

1. Компонентлари икки бўғинга ажралмовчи товушлар бирикмасини бир мустақил фонема деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбек тилида (дж),(тш) ва рус тилидан кирган (тс) товуш бирикмалари сўзларда икки бўғинга ажралмайди ва шу туфайли алоҳида аффрикат фонемалар (дж,чц) деб қаралади. Бу қоидага қўшимча қилиб, аффрикатларни мустақил фонемалар дейиш учун уларнинг бир йўла портловчи ва сирғалувчи фонемалар билан оппозицияга кириши (д—дж—ж), (т—ч—ш) ҳисобга олинади.

2. Иккинчи қоида биринчини тўлдиради. Товушлар группасини бирикда артикуляция қилиш мумкин бўлса ва талаффуз давомида аста—секин сусайиш ёки қисқариш рўй берса, бундай товушлар группаси бир мустақил фонема ҳисобланади. Юқоридаги аффрикатларнинг биринчи элементлари портловчи талаффуздан бошланиб, аста—секин сусайиб сирғалувчига кўчади. Демак, бу жиҳатдан ҳам уларнинг ҳар икки элементи бирикда талаффуз қилинади ва артикуляцион томондан ҳам улар мустақил фонемалар ҳисобланади. Баъзи тиллардаги (масалан, инглиз,латинш ва бошқа тилларда) икки товуш бирикмасидан ташкил топган дифтонглар ҳам юқоридаги икки қоидага бўйсунса, мустақил фонемалар ҳисоблана олади. Улар қуйидаги учинчи қоидага ҳам тўғри келади.

3. Чўзиқлиги ўша тилдаги бошқа фонемаларнинг чўзиқлигига тўғри келган товуш бирикмалари бир фонеманинг вакили сифатида қаралиши

¹ Карнаг: С.А.Атамйрзасева, С.А.Агзамов. Акустико-артикуляционный анализ узбекской речи применительно к речевой аудитории. Ташкент. Изд. «Фан», 1972, стр. 17.

мумкин. Одатда, дифтонгларнинг чўзиқлиги ўша тилдаги (масалан, инглиз тилида) чўзиқ унли фонемаларнинг чўзиқлигига тенг келади.

4. Бу қоида юқоридаги уч қоидани ўз ичига олади ва ўша фонемалар учраган ҳолатда бошқа фонемалар бирикмаси учрамаслигини ҳисобга олади. Шу қоидалар асосида ўзбек тилидаги (и-й), (о-а), (а-й), (у-й), (о-в) каби товуш бирикмаларини дифтонглар сифатида мустақил фонемалар деб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар икки элементи баъзи сўзларда икки бўғинга ажраб кетади ва артикуляцион жиҳатдан унли – ундош ёки ярим унли бирикмаси бўлиб, бир артикуляцияга эга эмас. Улар учраган ҳолатда бошқа фонемалар бирикмалари ҳам учрайди. Шу туфайли бу бирикмаларнинг баъзи сўзларда бир бўғинда бўлишини ҳисобга олиб (масалан, «чай, лой, тиймоқ, суймоқ, тарнов» каби), уларни «аддамчи дифтонглар» («ложнўе дифтонги»)¹ деб қараш мумкин.

Бундай «аддамчи дифтонг»ларда бўғин ҳосил қилишда биринчи унли элемент эмас, балки иккинчи элемент бўлган ундош ёки ярим унли – сонор товуш асосий вазифани бажаради. 5–6 – қоидалар ҳам 1–3 – қоидалар билан боғлиқ бўлиб, ўша мустақил фонемаларни оддий фонема (5 – қоида) ёки уларнинг бирор элементи бошқа фонеманинг комбинатор вариантига тўғри келса, бирикмани маълум фонеманинг вакили деб қараш (6 – қоида) мумкинлигини кўрсатади. Кейинги икки қоида аввалги тўрт қоидага зидлиги туфайли назарий жиҳатдан аҳамиятли эмас, чунки товушлар бирикмасидан ташкил топган мустақил фонемаларни «оддий» эмас, балки «мураккаб» дейиш тўғрироқ бўлади. Товушлар бирикмасининг бир элементи бошқа фонеманинг бирор компонентига тўғри келса, уни ўша фонеманинг вакили дейиш тўғри бўлмайди, чунки гап бир элемент эмас, балки ҳар икки элемент ҳақида борапти. Бунда барча дифтонглар мустақил фонемалар эмас, балки бошқа унли фонемаларнинг вакили деб қаралиши мумкин. Ваҳоланки, унли фонемалар ва дифтонглар алоҳида мустақил фонемалар ҳисобланади ва бирлиқда тилнинг вокализм системасини ташкил этади.

Бир товуш ёки товушлар бирикмаси юқоридаги қоидаларга бўйсунса, улар бир – бирларига нисбатан фонеманинг факультатив ёки комбинатор вариантлари муносабатида бўлса, бунда ўша товушлар группаси ва ёхуд бир товуш ўша фонемалар бирикмасининг вакили сифатида қаралиши мумкин. Бу қоида ҳам аввалги қоидаларга зид келади. Чунки аввалги (1–4) қоидаларда Н.С.Трубецкой мустақил фонемаларни аниқлашга уринган бўлса, энди ўша қоидаларга бўйсунувчи товушлар группаси ёхуд бир товушни фонемалар бирикмасининг вакили сифатида қарашни таклиф этади. Бироқ, бу камчиликларга қарамай, Н.С.Трубецкойнинг мустақил фонема ва фонемалар гуруҳини аниқлаш бўйича қоидалари ҳар хил тиллардаги хусусиятларни аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Н.С.Трубецкой тилнинг фонология ва морфология босқичлари ўртасида **морфонология** босқичи ўрин олишини ва у фонологик воситаларнинг морфологик жиҳатдан ишлатилишини текшириши зарурлигини кўрсатди. (Морфонология ҳақида тўла маълумот кейинроқ берилади). Морфонологиянинг асосий бирлиги деб, фонемаларда ўрин алмашувчи «комплекс образ – морфонема»ни атади. Масалан, рус тилида «рука – ручка, берегу – беречь» сўзларидаги морфемаларда к)ч, г)ч

¹ Бу термин А.Р.Зиндер ва М.И.Матусевич томонидан таклиф этилган. Қаранг: М.И.Матусевич. Введение в общую фонетику. М., 1959, стр. 80–81.

фонемаларнинг алмашуви «морфонема» деб қаралади. Ўзбек тилида бундай мисоллар қисман камроқ; суст—сусаймоқ, ўқи—ўкув, сез—сескан, онг—англа каби.

ФОНОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТЕРМИНОЛОГИЯСИДАГИ ТАХМИНИЙ ЎХШАШЛИКЛАР¹

МФМ	ПФМ	С.И.Бернштейн назарияси	Прага назарияси
фонеманинг вариацияси	фонеманинг варианты	1— даражали фонеманинг альтернанти	фонеманинг варианты
фонеманинг варианты ² фонема	фонема фонема	1— даражали фонема 1— даражали фонема	архифонема фонема фонема
фонема ³	фонемалар алмашуви («фонемное чередование»)	2— даражали фонема	морфонема
гиперфонема ⁴ фонемалар алмашуви	фонемалар алмашуви	3— даражали фонема; фонемалар алмашуви	архифонема(?) фонемалар алмашуви

МФМ, ПФМ, С.И.Бернштейн ва Прага фонология мактаби (Н.С.Трубецкой) назарияларида ишлатилган термин ва тушунчаларнинг асосий фарқлари ва баъзи ўхшашликларини юқоридаги таблицда кўриш мумкин.

Таблицадан кўринадики, фонема тушунчаси тўртгала назарияда тўғри кела олади. Фонемалар алмашинувида қатнашган ҳар бир фонема МФМ бўйича фонема, Прага назарияси бўйича морфонема терминига тўғри келувчи тушунча қисман Прага назариясидаги архифонемага бир томонлама (жарангли ундошларнинг жарангсизлашуви борасида) тўғри келади. МФМ нинг гиперфонемаси анча кенг маънода қўлланилади.

¹ Таблица Г.А.Климовнинг «Фонема и морфема (К проблеме лингвистических единиц)», «Наука», М., 1967, 90—бетдан олинди.

² Р.И.Аванесов фикрича — «кучсиз фонема» («слабая фонема»)

³ Р.И.Аванесов фикрича — «фонема қатори» («фонемный ряд»).

⁴ Р.И.Аванесов фикрича — «фонемалар гуруҳи» («группа фонем»).

ФОНОЛОГИК ОППОЗИЦИЯЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Тилдаги фонемалар системаси фонологик оппозициялар «пойдевори»га қурилган. Фонологик оппозициялар маълум тартиб ва структура асосида тузилган. Тилнинг фонологик и системасини прадиγμα — тик жиҳатдан тасниф қилишда оппозицияларни аниқлаш методи асосий метод ҳисобланади. Н.С.Трубецкой фонологик оппозицияларни уч принцип асосида тасниф қилган.

1. Оппозициялар умуман оппозициялар системасига нисбатан тасниф қилинади. Бу принцип асосида фонологик оппозициялар аввало **бир ўлчовли** («одномерные») ва **кўп ўлчовли** («многомерные») ҳамда **пропорционал** ва **яккаланган** («изолированная») бўлади.¹

Бир ўлчовли оппозицияларда ҳар икки аъзосига тегишли бўлган белгилар йиғиндиси (яъни фарқланиш элементлари) фақат шу оппозициянинг икки аъзосига хос бўлиб, шу системاداги бошқа аъзосига тегишли эмас. Ўзбек тилида (т-д) оппозицияси бир ўлчовли, чунки улардаги белгилар йиғиндиси (тил олди — портловчи) фақат шу фонемаларга тегишли бўлиб, ўзбек тили фонологик системасидаги ҳеч бир бошқа фонемага хос эмас. Бошқача айтганда (т-д) оппозициясида учинчи аъзо йўқ. Бошқа белгилар асосида бир ўлчовли фонологик оппозициялар қуйидагилар: (п-б), (к-г), (б-м), (д-и), (г-нг), (ф-в), (с-з), (с-ш), (з-ж), (т-ч), (д-дж), (р-л), (к-х), (г-ғ), (қ-х) ва бошқалар.

Оқоридагига аксинча, кўп ўлчовли оппозициялар аъзоларига тегишли бўлган ўша белгилар ўша системاداги бошқа фонемага ҳам тегишли бўлиши мумкин. Ўзбек тилида (б-д) оппозицияси асосидаги белгилар йиғиндиси (портловчи — жарангли) бошқа фонема (г) да бор (б-д-г). Шунга ўхшаш кўп ўлчовли оппозицияга (п-т-к) (портловчи — жарангсиз) мисол бўла олади.

Бу оппозицияларни латин алфавитидаги ҳарфларнинг шакли ёрдамида тушуниш осонроқдир. Е-Ғ ҳарфлари қиёсланса, бундай шакллардаги чизиқлар йиғиндиси бошқа ҳарфларда кўринмайди. Демак, Е-Ғ ўртасидаги қарама-қаршилик бир ўлчовли, Р- ҳарфлардаги чизиқлар йиғиндиси бошқа ҳарфдаги В да ҳам борлиги туфайли кўп ўлчовлидир.

Оппозициянинг аъзолари ўртасидаги алоқа шу системاداги бошқа оппозиция ўртасидаги алоқага айнан ўхшаш бўлса, бундай оппозициялар **пропорционал** дейилади. Масалан: ўзбек тилидаги (п-б) ўртасидаги алоқа (жарангсиз — жарангли) бошқа оппозициялар (т-д), (к-ғ), (с-з), (ш-ж), (ч-дж), (ф-в), (х-ғ) ўртасидаги алоқага ўхшаш; улар жарангсиз — жарангли белгиси билан фарқланадилар.

Яккаланган оппозициянинг аъзолари ўртасидаги алоқа бошқа оппозицияларда ҳеч қайтарилмайди. Ўзбек тилида (р-л) оппозицияси титроқ сонор — ён сонори белгиларига асосланган ва бундай оппозиция бошқа топилмайди. Умуман, (р-л) бошқа тилларда хусусан, рус, инглиз, немис, қозоқ, қирғиз тилларида яккаланган оппозиция ҳисобланади.

2. Оппозицияларнинг аъзоларига нисбатан тасниф уч турли бўлади:

21296

¹ Н.С.Трубецкой терминологияси биринчи бор ўзбек тилида берилганга туфайли аниқ ноқулайроқ сезилади. Бироқ бу терминлар бошқа тилларда ҳам шу тартибда берилмоқда.

ALISHER NAVOIY

17

ToshDO'LAT

Ўзбек филологияси
Институтининг
KUTUBXONASI

Оппозициялар таснифи

Н.С.Трубецкой бўйича

1. Бир ўлчовли (бир томонли): ўзбек тилида (т-д).

II. Кўп ўлчовли (кўп томонли): ўзбек тилида (б-д-г) (п-т-к).

A. Гомоген (яъни оппозициянинг чекка поғонасидаги аъзолар) (у-е), (а-ў); (бир поғона ошганда) (у-ў-о), (и-е-а).

2. Гетероген (орасига бошқа аъзони кўйиш мумкин эмас); ўзбек тилида (п-т), (б-д).

Б.1. Пропорционал (бошқа жуфтларда қайтарилувчи); ўзбек тилида (п-б), (т-д), (к-г), (с-з), (ч-дж), (ф-в), (х-ғ), (ш-ж).

Бошқа кўринишда:

III.1. Приватив (аъзолари бирида «бор», иккинчисида «йўқ» белгили): ўзбек тилида (т-д), (с-з), (к-г) каби унлиларда (и-у), (е-ў), (а-о).

2. Поғонали («градуаль»); аъзолари бир сифатнинг ҳар хил даражасига (и-е-а), (у-ў-о).

3. Эквивалент (белгининг бор-йўқлиги ҳам, поғона ҳам кўринмайди): (п-т), (ф-к).

Ўзбек тили вокализмига хос (и-е-а), (у-ў-о).

IV. Тўғри йўналишли фонологик («прямофонологические») (ф-ҳ), (ф-с), (с-ҳ) орқали; (з-ҳ), (з-ғ), (ғ-ҳ) орқали.

V. 1. Нейтрализациялашувчи: (т-д), (с-з), (п-б), (к-г) каби.

2. Нейтрализациялашмовчи: (п-м), (с-ш), (н-м), (и-е), (е-а) каби.

А.А.Реформатский бўйича

I. Коррелятив:

1. Ёпиқ (икки аъзога эга бўлган; бунини «бином» дейилади): ўзбек тилида (т-д), (е-ў).

2. Очиқ (кўп аъзога эга бўлган).

1. Поғонали ўзбек тилида (и-е-а), (у-ў-о).

2. Поғонасиз:

а) занжирсимон боғланиш («цепочные»);

ўзбек тилида (п-т-к), (б-д-г), (ф-с-ш-х-ҳ);

б) йиғилган («пучковые»); ўзбек тилида

дж ч ц
д ▲ ж т ▲ ш т ▲ с

(ц) - рус тилидан олинган).

II. Коррелятив бўлмаган:

1. Қисман диабъюнкт, яъни қарама - қарши (бошқа оппозициялар орқали (п-м), (п-б), (б-м) орқали; (и-а), (и-э) ва (э-а) орқали).

2. Тамоман дизъюнкт:

а) ўзаро бир хил аъзога эга бўлган (параллел):

(п-ж), (б-ш), (т-дж), (д-ч).

б) бошқа учрамайдиган (яккаланган) (©р-л).

Бошқа кўринишда:

III. 1. Симметрик:

1. (п-б), (т-д), (к-г), (д-н), (б-н), (к-ҳ), (х-ҳ) каби.

2. Яккаланган:

(р-л), (р-й).

IV. 1. Нейтрализациялашувчи:

(т-д), (с-з), (в-б), (к-г), (ф-в) каби.

2. Нейтрализациялашмовчи:

(п-м), (с-ш), (т-ш), (ч-қ) каби.

V. 1. Ўзаро яқин (к-г), (п-т) каби.

2. Ўзаро яқин бўлмаган (ф-ҳ), (ф-с), (с-қ) орқали).

а) агар оппозициянинг бир аъзосида бўлган белги иккинчи аъзосида бўлмаса, «приватив» оппозиция дейилади. Бунда белгиларнинг қариндошлиги ҳисобга олинади: жарангли—жарангсиз (б—п, т—д, к—г) каби, лабланган—лабланмаган (и—у, (э—ў), (а—о) оппозициялари привативдир. Бу оппозициянинг биринчи аъзоси «маркирли», иккинчиси — «маркирсиз» деб аталади;

б) агар оппозициянинг аъзолари ўртасига яна бошқа фонемаларни қўйиш мумкин бўлса, «погонали» (ёки «градуаль») оппозиция дейилади. Масалан, ўзбек тилида (и—а), (у—о) оппозициялари ўртасига (е) ва (ў) фонемаларини тилнинг кўтарилиши ва оғизнинг очилиш даражасига кўра қўйиш мумкин (и—е—а), (у—ў—о);

в) оппозициянинг аъзолари логик жиҳатдан тенг бўлиб, улардаги белгилар погонали бўлмаса ва белгиларнинг бор ёки йўқлигини тасдиқ ёки инкор этмаса, «тенг ҳуқуқли» (ёки «эквивалент», «равнозначнўй») оппозиция дейилади. Ўзбек тилида (п—т), (т—к), (к—х), (б—д), (д—г) оппозициялари тенг ҳуқуқлидир.

3. Оппозициялар маъно ажратиш кучи ва унинг ҳар хил ҳолатлардаги (позиция) хизматига кўра **доимий** ва **нейтрализация** қилинувчиларга бўлинади.

Доимий оппозициянинг аъзолари ҳеч бир ҳолатда ўз фарқлиниш белгиларини йўқотмайдилар. Ўзбек тилида сўз бошида келган ундошлар (б—д, п—т, к—г, с—з, т—к каби) оппозициялари ҳеч вақт ўзгармайди. Бироқ сўз охирида жарангли ундошларнинг жарангсизлашуви натижасида (г—к), (д—т), (б—п) каби оппозициялар ўртасидаги фарқ йўқолади. Бу ҳолатда оппозициянинг ҳар икки аъзоси ҳам бир хил фарқлиниш белгиларига (портловчи—жарангсиз) эга бўлиб қолади. Бу ҳодиса нейтрализация деб ва ўша ҳолат (сўз охири) **нейтрализация ҳолати** (ёки ўрни) деб юритилади. Ҳосил бўлган бирлик эса **архифонема** дейилади. Бу ҳолатда жарангсиз фонема архифонеманинг вакили деб қаралади. Н.С.Трубецкойнинг кўрсатишича, фақат бир ўлчовли оппозицияларгина нейтрализацияга учрайди.

Бир ўлчовли пропорционал приватив оппозициялар (п—б), (т—д), (к—г), (с—з), (ш—ж), (ч—дж), (ф—в), (х—ғ) корреляцияга бирлашади. Бундай оппозициядаги фонемалар **коррелятив жуптлар** ва уларни фарқловчи белги жарангсиз—жарангли) **коррелятив белги** деб аталади.

Н.С.Трубецкой назариясида бир оппозиция ҳар хил тасниф қилиниши туфайли бир неча номлар билан аталади. Масалан, (т—д) оппозицияси бир ўлчовли пропорционал, (р—л) эса бир ўлчовли яққаланган оппозиция деб ҳисобланади. Бироқ бу таснифнинг приватив, погонали ва эквивалент оппозицияларини фарқлашдаги баъзи чалкашлиklarини ҳисобга олиб, А.А.Реформатский унга ўзгартишлар киритишни таклиф этган. Қуйида Н.С.Трубецкой ва А.А.Реформатскийнинг фонологик оппозициялар таснифлари қиёсий равишда берилди.¹

¹ А.А.Реформатский. Дихотомическая классификация дифференциальных признаков и фонематическая модель языка. Сб. «Вопросы теории языка в современной зарубежной лингвистике». М., 1961, стр. 114-116. Ўзбек тилидаги мисолларни биз бердик.

Юқоридагилардан кўринадики, фонологик оппозицияларнинг структураси мураккаб ва хилма-хилдир. Уларнинг кўпчилиги кўп аъзога эга бўлган ((п-т-к-х) каби) оппозициялардир. Одатда, икки аъзога эга бўлган (т-д), (с-з) каби оппозициялар фонологик системанинг таснифида анча қулайлик туғдиради. Ана шу қулайликни эътиборга олиб, экспериментал текширишлар (спектрографик, рентгенографик) натижасида Р.Якобсон, М.Халле ва Г.Фант¹ жаҳон тилларининг барчасида топиладиган ўн икки нафар фарқланиш белгиларининг қарама-қаршиликлар системани таклиф этдилар. Бу назария «**дихотомик фонология**» номи билан юритилади. Чунки унда ҳар бир фарқланиш белгиси дихотомик ёки бинар (иккитадан) тартибда берилади. Бу назария қисман бошқа назарияларнинг айрим томонларини ва нутқ товушлари, ургу ва тоннинг артикуляцион ва акустик характеристикасини ўзида мужассамлаштирган. Дихотомик фонологияда берилган фарқланиш белгиларининг артикуляцион ва акустик характеристикаси ва уларнинг қайси фонемаларга тегишли эканлигини кўйидаги таблицага жойлаштирдик. Уни ўзбек тили фонемалари мисолида кўриб ўтамиз.

Кўйида берилган дихотомик фонология назарияси туркий тилларнинг тарихий ва ҳозирги давр фонологик системаларини қиёслашда А.М.Шчербак томонидан қўлланган². Фонемалар фарқланиш белгиларининг барча тиллар учун умумий ҳисобланган бу дихотомик классификациясида жузъий камчиликлар мавжуд бўлиб, улар кўйидагилардир:

1. Терминларнинг ноқулай ва бошқа баъзи фанлардан олинганлиги: масалан, «бемоль тоналик» ва «оддий тоналик» терминлари музика назариясидан олинган бўлиб, акустикага умуман алоқаси йўқ. «Оддий тоналик» термини яна «диез тоналик» ка ҳам қарши қўйилгани ноаниқ; «бўлинган-давомий, кескин-сокин, қирқилган-қирқилмаган» терминлари жуда кўп маъноли (шу туфайли ўзбек тилига таржимаси ҳам аниқ эмас); бошқа терминлар ичида «компакт-диффуз», «паст тоналик-юқори тоналик» акустик терминлар, «бурун-оғиз», «жарангли-жарангсиз» артикуляцион терминлардир. Бундай аралаш терминология ноқулайдир.

2. Барча 12 нафар фарқланиш белгиларининг дихотомик (иккиталик) эканлиги, барча оппозициялар бинар ҳолатда берилган ва улар барча тиллардаги унли ва ундош фонемалар учун умумий (универсал) деган фикрни туғдиради. Аслида тилдаги кўпроқ оппозициялар кўп ўлчовли ва уларни иккитадан қилиб олиш учун маълум логик принципдан фойдаланиш зарур. Шу туфайли баъзи фарқланиш белгилари иккига бўлинади. Масалан, компакт-диффуз оппозицияси очик-ёпиқ унлиларга тегишли бўлса, ярим очик (ярим ёпиқ) унлилар қандай қаралиши керак? Улар компакт ҳам, диффуз ҳам эмас. Демак, «компакт-диффуз» белгиси «компакт-компакт эмас», «диффуз-диффуз эмас» белгиларига ажратилиши зарур. Бундай қараш А.М.Шчербак томонидан ўзбек тили унлиларининг тилнинг кўтарилишига кўра таснифида берилган.³

¹ Р.Якобсон, Г.М.Фант и М.Халле. Введение в анализ речи. Р.Якобсон и М.Халле. Фонология и ее отношение к фонетике. Ҳар иккисининг русча таржимаси. «Новое в лингвистике». Вып. 2. М., 1962, стр. 173-298.

² Қаранг: А.М.Шчербак. Сравнительная фонетика тюркских языков. «Наука», Л., 1970.

³ Қаранг: А.М.Шчербак. О тюркском вокализме. Сб. «Тюркологические исследования». М., 1963, стр. 26;

а-е, е-и
о-ў, ў-у

лабланмаган (оддий тоналлик)
лабланган (бемоль тоналлик)

очиқ | ярим
ярим | очиқ
очиқ | ёпиқ

Бунда (е) ва (ў) унли фонемалари ўрта кўтарилишда (ярим очиқ бўлганлиги туфайли) бир йўла икки марта ҳам очиқ, ҳам ёпиқ унли фонемаларга қарама-қарши қўйилган. Бу терминологияда компакт-компакт эмас: (а-е), (о-ў), диффуз эмас-диффуз: (е-и), (ў-у). Бемоль тоналлик -оддий тоналлик белгиси тил орқа лабланган-тил олди лабланмаган (у-и), (ў-е), (о-а) шаклида симметрик равишда фарқланади. Бунда қатор белгилари фонологик жиҳатдан аҳамиятли эмас, чунки уларнинг тил олди ундошларидан кейин тил олди, тил орқа (қ,х,ғ) ундошларидан кейин тил орқа аллофонларига эга бўлиши туфайли қатор белгиси муайян эмас.

3. Рентгенографик ва спектрографик анализ натижаларининг тўғрилиги шубҳа остига олинади.
4. Бу назариянинг баъзи жиҳатлари фонология жиҳатидан тўғри бўлмайди.
5. Тилнинг талаффузидаги барча хусусиятларни ёритишга қодир эмас ва шу кабилар.

Фарқла- ниш белгиси	Артикуляцион изоҳ	Акустик изоҳ	Фонемаларнинг фонологик оппозицияси (ўзбек тили асосида)
1. Унли – унли эмас	Оғиз бўшлиғидан ҳавонинг эркин ўтишида аввало ва фақат товуш пайчаларининг титраши	Аниқ ифодаланган форман структурасининг борлиги – йўқлиги	Унлилар (и,е,а,у,о). Ундошлар(п, б, т, д, с, з) ва бошқалар. (Одатда унлиларнинг ундошларга фонологик оппозицияси кўрсатилмайди)
2. Ундош – ундош эмас	Оғиз бўшлиғида тўсиқнинг борлиги – йўқлиги	Энергиянинг умумий даражаси паст – юқорилиги	а) ундошлар(ф,в,п,б, с,з,т,д,нг,г) каби : унлилар (и,е,а,у,о); б) (р) ва (л) сонантлари бир йўла унлиликва ундошлик белгисига эга.

3.Компакт – диффуз	Тил одди – тил орқа артикуляция	Спектрнинг қисман тор марказий худудда кўп – кам энергиянинг тўпланиши; бу энергиянинг уму – мий миқдори бир вақт ичида ошиб – камайиб бориши орқали бошқарилади	а)очик – ёпиқ унлилар оппозицияси: (и,а), (у – о). Бунда (е) ва (о) унлилари бир йўла ла ҳам компакт, ҳам ҳам диффузлик белгисига эга бўлгани туфайли икки марта оппозицияга – очик ва ёпиқ унлилар билан киради: (е – и), (е – а); (ў – у), (ў – о); б) тил орқа (веляр) лаб ундошлари оппозицияси: (к, г, қ, х) – (п, б, ф, в, м); тил одди (портловчи), тил ўрта ундоши, тил орқа ундошлари (портловчи) оппозицияси: (т, д, й) – (к, г, қ, ж);
4. Кучли – кучсиз (напряженный-не напряженный)	Оғиз бўшлигининг нейтрал ҳолатига нисбатан катта – кичик очилиши. Кучли товушларни талаффуз қилишда қатнашувчи нутқ органлари (тил, оғиз бўшлиғи – девори, товуш пай – чалари)нинг кучи бўлажак текшириш ларни талаб қилади	Спектрдаги резонанс худудларининг жуда аниқ – сал аниқроқ бўлиши ва энергия умумий миқдорининг бир вақт ичида ошиб – камайиб бориши	а) чўзиқ – қисқа унлилар оппозицияси Ўзбек тилида йўқ; б) жарангли – жарангсиз ундош лар оппозицияси: (п – б), (т – д), (с – з), (ф – в), (ш – ж), (ч – дж), (х – ғ).
5. Жарангли – жарангсиз	Товуш пайчаларининг гармоник равишда титраши – титрамаслиги	Пастки частотада гармоник тебранишининг бор – йўқлиги	(п – б), (т – д), (к – г), (с – з), (ч – дж), (ш – ж), (ф – в), (х – ғ) ундошлари оппозицияси: (м), (н), (нг) ва (б, д, г, к, ф, в) каби ундошлар оппозицияси.

<p>Бурун – оғиз (ёки на – зализация ли – назали – зациясиз)</p>	<p>Оғиз бўшлигидан ҳаво оқимининг бурун бўшлиғига ўтиши – ўтмаслиги</p>	<p>Баъзи формантлар (асосан биринчи формант) интенсивлигининг камайиши ҳисобига ва тўлдирувчи (бурун) формант ҳисобига бор энергиянинг анча кенг – тор частоталар йўлига тақсимоти</p>	
<p>7. Бўл – инган давомий («прерванный – непрерывный»)</p>	<p>Оғиз бўшлиғини тез очиб ёки ёпиш давомида товушнинг кескин қир – қилиб қолиши – аксинча, давомий равишда талаффузи</p>	<p>Товушнинг йўқолиши (гармоник тебраниш чистота йўлининг юқорисида) ва унғача ёки ундан кейин энергиянинг частотанинг катта йўлига тарқалиши (ўтиш портлаш шаклида – ундошларда ёки формант характеристика – сининг унлиларда тез ўзгариши натижасида бўлади) – товуш билан унинг йўқолишига ўтишнинг бўлмаслиги</p>	<p>Портловчи (т, д, к, г, п, б, қ) ва сирғалувчи ундошлар (ф, в, с, з, ш, ж, х, ҳ) оппозицияси</p>
<p>8. Кескин – сокин (кескин эмас) («резкий – нерезкий»)</p>	<p>Четлари ўткир силлиқ бўлиши («острие и гладкие края»): 1 – си 2 – дан мураккаб тўсиқ ва тўлдирувчи тўсиқнинг артикуляция ўрнида алоҳида товуш</p>	<p>Шовқин интенсивлигининг (кучининг) кўпчилиги – камлиги</p>	<p>Сирғалувчан (ф, в, с, х, з, ш, ж) ва портловчи ундошлар оппозицияси (п, б, т, д, к, г, қ); сирғалувчи – африкатлар: (ш – ч) (ж –</p>

	ҳолида эшитилиши билан фарқланади		Дж,о(ноль)товуш – (ц)
9. Қир – қилган – қирқил – маган («глоттал – глоттал эмас»)	Талаффузда ҳаво оқимининг қирқи – либ – қирқилмай қолиши	Кам вақт давомида энергиянинг катта тезлик билан ўтиши – кўп вақт давомида энергиянинг суст ўтиши	Чуқур тил орқа ундошлар (қ), (х), (ғ) га қисман хос.
10. Паст тоналлик – юқори тоналлик	Лаб ва веляр ундошларда оғиз бўшлиғининг катта бўлиб, очилиш даражаси – тор бўлиши, кичик бўлиб очилиши – кенгроқ бўлиши	энергия спектрининг паст – юқори частотада бўлиши	а) тил олди – тил орқа унлилари оппозицияси (бу оппозиция ўзбек тилида фонологик жиҳатдан аҳамиятли эмас; сингармонизмми туркий тилларга хос) б) лабиал – дентал ундошлар оппозицияси: (п – т), (б – д), (ф – с), (в – з) каби; лабиал, тил олди, портловчи ундошлар (юқорида берилган); тил орқа ёки бўғиз (сирғалувчи) – тил олди ёки тил ўрта (сирғалувчи) ундошлар оппозицияси: (х – с), (ғ – з), (ҳ – з), (х – й) каби Юмшоқ – қаттиқ ундошлар (ўзбек тилида фонологик эмас, рус тилида фонологик ҳисоб – ланади)
11. Бемоль тоналлик – оддий тоналлик	Биринчисида (си – қилган ҳаво оқими билан) оғиз бўшлиғининг олд ва орқа қисмини	Бемоль фонемалари оддий фонемалардан уларни ҳосил	а) лабланган – лабланмаган унлилар: (у – и), (ў – е), (о – а); лабиал – тил

	кичрайтириш ва ўзини кенгайтириш — иккинчисида (ҳаво оқими кенг) оғиз бўшлиғи тор ҳолатда бўлади	қилувчи юқори частоталардан баъзиларининг пастга тушиши ёки кучсиз лашуви билан фарқ қиладилар	ундошлари: (п — т), (б — д), (ф — с), (б — з), кабилар; Фарингализация — лашган (бўғиз ёрдамида ҳосил бўлувчи (ҳ) дан ташқари ундошлар) ундошлар бўлмаган тиллар, хусусан, ўзбек ва банту тиллари, уларни лабиаллашган артикуляция билан алмаштирадилар. Бу хусусият араб тилидан кирган сўзларда кўринади: тальғат, суръат каби
12. Қаттиқ — юмшоқ (двезный-простой)	Кенг ҳаво оқими — тор ҳаво оқими, оғиз орқа қисмининг кенгайиши — торайиши	Баъзи частоталарнинг юқори ва кучли кўтарилиши — паст ва кучсиз кўтарилиши	а) қаттиқ — юмшоқ ундошлар (рус тилида); аспирацияли — аспирациясиз (t — th), (k — kh) (ҳинд тилида); б) унларнинг қатор бўйича оппозицияси (ўзбек тилида, фонологик эмас)

Ундош фонемаларнинг миқдори кўплигидан бир неча марта фарқланиш белгилари бўйича қайтарилади. Ўзбек тилидаги ундош фонемалар асосан 10 нафар белгиси билан фарқланади. Бироқ, бунда ўзбек тили ундошларининг экспериментал (спектрографик, рентгенографик) текширилмаганини назарга олсак, юқоридаги классификация тахминий деб ҳисобланиши зарур. Ундошларнинг артикуляцион ва акустик хусусиятларини чуқур экспериментал ўрганиш бу классификацияни тўлдирishi ва аниқ бўлишига олиб келади. Дихотомик классификацияни фонемаларнинг фарқланиш ва фарқланмовчи хусусиятларини белгилашда парадигматик жиҳатдан қулай бўлса, синтагматик жиҳатдан бошқача йўл тутишни талаб қилади. Бунда аввал фонемаларни бир хил фонетик ҳолатларда — тилдаги маънодор birlikларда аниқлаш ва экспериментал жиҳатдан текширилган жуда кўп артикуляцион ва акустик хусусиятларнинг фонетик табиати ичидан ўша тил учун фарқловчилик вазифасини бажарувчи белгиларни танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги давр фонологиясида оппозицияларнинг классификацияси бўйича бахslashув давом этмоқда.

Маълумки, юқорида берилган фонологик оппозицияларнинг классификацияси назарий жиҳатдан анча қийинчилик туғдиради. Оппозицияларни осонроқ классификация қилиш учун экспериментал — фонетик жиҳатдан текширилган оддий фонетик классификациядан фойдаланиш мумкин. Агар унли ва ундошлар рентгенографик текширилган бўлса, артикуляцион (фонетик) классификациядан ва унга тегишли терминлардан (тил олди, тил орқа, ўрта кўтарилиш, бўғиз, портловчи, сирғалувчи кабилар) фойдаланиш мумкин. Бундай термин ва тушунчалар адабий талаффузга ўргатишда жуда фойдалидир.¹

Артикуляцион жиҳатдан ҳар бир оппозицияни икки фонема ўртасида олиб (и—у, а—о, п—т, т—к каби), улар бир фарқланиш белгиси билан фарқланса, «бирлик оппозиция», икки фарқланиш белгиси бўлса, «иккилик оппозиция» ва иккидан ортиқ фарқланиш белгиси бўлса, «кўплик оппозиция» деб аташ мумкин. Бундай классификация В.А. Васильев томонидан таклиф этилиб, у «дастлабки фонологик принцип» деб аталади ва ундан кейин Н.С. Трубецкой принципини давом эттириш қулайлик туғдиради.

Ўзбек тили унлилари қатор, тилнинг кўтарилиши ва лаб ҳолати бўйича фонетик классификация қилинади. Одатда, фонологик классификация фонемаларни қарама—қарши қўйишни талаб қилади ва оппозиция аъзолари қайси артикуляцион (ёки акустик) фарқланиш белгиси билан фарқланиши аниқланади. Ўзбек тилидаги унли фонемаларнинг (и—у), (е—ў), (а—о) оппозициялари (тил олди) лабланмаган — (тил орқа) лабланган белгилари билан фарқланади. Қатор белгиси (тил олди, тил орқа) ўзбек тили унлилари учун фонологик фарқланиш белгиси эмас, чунки у ёндош ундошларнинг таъсирида ўзгариши мумкин. Е.Д. Поливанов фикрига асосланган Н.С. Трубецкой Тошкент шеvasи унлиларида қатор белгисини алоҳида қараб бўлмаслигини юқори кўтарилишдаги унлилар бир йўла лабланган тил орқа ва лабланмаган тил олди унлилари эканлиги билан боғлайди.² (Шу туфайли қатор белгисини қавс ичида кўрсатдик). Агар ўзбек тили унлиларининг фонологик оппозициясини юқори кўтарилишдаги лабланган ва лабланмаган унлилардан бошлаб, тилнинг кўтарилиши бўйича ўрта ва паст даражагача давом эттирсак, қуйидаги шаклга келади:

(о—а)

(ў—е)

(и—у)

Бу фонологик оппозициялар логик жиҳатдан эквиолент (бир фарқланиш белгисига асосланган 3 тенг ҳуқуқли оппозиция) бўлиб, Н.С. Трубецкой фикрича, жаҳон тилларида кам учрайдиган «икки классли» (тил орқа қатор) лабланган (тил олди қатор) лабланмаган, «уч погонали» (очиқ, ярим очиқ, ёпиқ кўтарилиш), «тўрт бурчак» (6 унли фонема тўртбурчак шаклда) системасини ташкил этади. Унлилар ўртасидаги оппозицияларни иккита фарқланиш белгилари асосида тузса ҳам бўлади: (и—ў) ёпиқ, лабланмаган—ярим ёпиқ, лабланган; (и—о) ёпиқ, лабланмаган—очиқ, лабланган; (е—у) ярим ёпиқ, лабланмаган—ёпиқ лабланган; (е—о)

¹ Қаранг: В.А. Васильев. Фонетика английского языка. (Теорет. курс на англ. языке.) М., 1970.

² Н.С. Трубецкой. Основы фонологии. М., 1960, стр. 111-112; Экспериментал — фонетик текширишлар натижасида фонологик анализ ҳақида қаранг: А.А. Абдуазизов. Ўзбек тили унлиларининг фонологик хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1974, № 3. 63—65—бетлар.

ярим ёпиқ, лабланмаган, очиқ, лабланмаган; (а-у) очиқ, лабланмаган-ёпиқ, лабланган; (а-ў) очиқ, лабланмаган-ярим ёпиқ, лабланган.

Демак, ўзбек тили унлиларининг бир белги билан фарқланувчи «битталиқ оппозиция» си 3 та; икки фарқланувчи белги асосидаги «иккиталиқ оппозиция» лари 6 та. Ҳаммаси бўлиб ўзбек адабий тили вокализмида 9 та оппозиция мавжуд. Ўзбек тилида ундош фонемаларнинг сони кўплиги туфайли оппозициялар ҳам анча кўпаяди. Умумий қабул қилинган ундошларнинг фонетик (артикуляция) классификацияси¹ асосида қуйидаги бирлик оппозицияларни аниқлаш мумкин. Бунда (в) ва (й) ундошлари бўғин ҳосил қилганда сонантлик ва бошқа ўринларда сирғалувчи табиатига эгаллиги туфайли икки бор оппозицияга қўйилади.

1. Артикуляция ўрни ва тўсиқнинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра:

а) лабиал-тил олди: (п-т), (б-д), (м-н), (ф-с), (в-з), (ф-ш), (в-л), (в-р);

б) лабиал-тил ўрта: (ф-и), (в-й);

в) лабиал-тил орқа: (п-к), (б-г), (ф-х), (в-ғ);

г) лабиал-бўғиз: (ф-ҳ), (в-ҳ), (х)-ҳам жарангли, ҳам жарангсиз;

д) тил олди-тил орқа: (т-к), (т-қ), (д-г), (с-х), (з-ғ), (н-нг);

е) тил олди-бўғиз: (с-ҳ), (з-ҳ), (ш-ҳ), (ж-ҳ), (ч-ҳ), (дж-ҳ).

2. Артикуляция усули ва тўсиқнинг қандай ҳосил бўлишига кўра:

а) портловчи-сирғалувчи: (п-ф), (б-в), (т-с), (д-з), (т-ш), (д-ж), (к-х), (г-ғ), (қ-ҳ), (к-х), (г-ҳ);

б) портловчи аффрикат: (т-ч), (д-дж);

в) сирғалувчи-аффрикат: (ш-ч), (ж-дж);

г) портловчи шовқинли-бурун сонанти: (б-м), (д-н), (г-нг);

д) сирғалувчи-сонант: (з-л), (ж-р);

е) шовқинли сонант-бурун сонанти: (в-м), (л-н), (р-н);

ж) ён сонант-титроқ сонант: (л-р);

з) титроқ сонант-тил ўрта сонант: (р-й);

3. Юқоридаги оппозицияларни бир фарқланиш белгиси билан фарқлаш учун маълум принцип ёрдамида иш тутдик, чунки аслида фонологик оппозициялар кўп белгилари билан фарқланадилар. Одатда тилда фақат бир белги билан фарқланувчи жуфт фонемалар (жарангли-жарангсиз ёки кучли-кучли) оппозицияси корреляцияга бирлашади. Ўзбек тилида (п-б), (т-д), (к-г), (с-з), (ш-ж), (ч-дж) (ф-в), (ш-ж), (х-ғ) шундай корреляциядир. Бу оппозициялар сўз охирида «эпизодик» равишда нейтралзацияга учрайди (яъни баъзан бўлади, баъзан бўлмайди). Бу хусусият бошқа туркий тилларга ҳам хосдир.²

Н.С.Трубецкой ана шундай приватив, бир ўлчовли пропорционал оппозициялар нейтралзацияга учрашини кўрсатади. Демак, бу нейтралзация фонологик системага хос бўлган, яъни систематик ва парадигматик нейтралзация (фақат сўз охирида) деб аталса бўлади. Ўзбек жонли нутқида, айниқса Тошкент шеvasида,³ (х) ва (х), (қ) ва (ғ), (қ) ва (х), (ж) ва (дж), (ф) ва (п) каби фонемаларнинг бири ўрнида иккинчиси талаффуз этилиши мумкин. Бу фонемалар ўртасидаги оппозицияларни

¹ Қаранг: В.В.Решетов. Узбекский язык, ч. 1, Фонетика. Введение, Ташкент, 1959, стр. 212.

² Қаранг: А.М.Шчербак. Кўрсат, асар, стр. 88-89.

³ Қаранг: Ш. Шоабдурахмонов. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 125-137-бетлар.

ўзаро алмашувчи сифатда қараб,¹ уларни нутқдаги систематик бўлмаган (баъзан бор, баъзан йўқ) синтагматик (ҳар хил ҳолатларда) нейтрализация деб аташ мумкин. Ўзбек тили ундош фонемалари ўртасида 58 та бирлик оппозицияси мавжуд. Иккиталик оппозиция бунга қараганда икки барабар, кўплик оппозициялар эса бир неча барабар кўп ҳисобланади. Кўрунадик, фонетик классификацияга асосланиб, фонологик оппозициялар тузиш ва фарқлашиш белгиларини аниқлаш анча қулайдир. Бироқ юқоридаги бирлик оппозицияларни логик жиҳатдан бинар (икки аъзолик) шаклда тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат жарангли — жарангсиз (кучсиз — кучли) оппозицияси логик жиҳатдан бинар шаклдадир. Шу туфайли бу оппозицияларни аниқлаб олиб фонологик таснифнинг кейинги босқичларида Н.С.Трубецкой ёки А.А.Реформатский таклиф этган логикага асосланган классификациядан фойдаланиш назарий жиҳатдан аҳамиятлидир.

ФОНОЛОГИЯДА ДИСТРИБУТИВ МЕТОДНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

Дистрибутив метод деб нутқ жараёнида тилдаги формаларни кларификация ўрнига кўра бир—бири билан ўхшашлик ва фарқларини классификация қилишга айтилади. Бу метод дескриптив тилшунослиқда (АҚШ) берилган². Дистрибутив метод ҳар хил талқин қилинади, чунки у тилнинг фонология ва грамматикаси (морфология ва синтаксис) учун умумий ҳисобланади. Қуйида бу методнинг фонологияда ишлатилишини ёритиб, фонемалар бирикмаларининг бўгин, сўз ва морфемаларнинг бошида, ўртасида ва охирида учрашини алоҳида фонотактика бобида кўриб ўтамиз.

Нутқни (ёки текстни) кичик ва катта бўлақларга (қисмларга) бўлиш процесси **сегментация** ва бўлақлар эса **сегментлар** дейилади. Нутқнинг конкрет бўлаги бўлган сегментларни қиёслаш натижасида **элементлар** аниқланади. Элементларнинг бир—бирига қўшни ва ёндошлиги орқали шу элементнинг ўрни (атрофи) билинади. Бирор элементнинг бошқа элементга нисбатан нутқда ишлатилувчи ўринлари ва ҳолати унинг **дистрибуцияси** дейилади. Агар икки элемент ёки хусусият бир—бирига ўхшаш бўлса, улар **дистрибутив жиҳатдан эквивалент** деб аталади.

Нутқни сегментация қилганда, одатда катта бўлақлардан ёки сегментлардан кичик бўлақларга қараб борилади. Бунда энг кичик сегмент товушга тўғри келади. Аниқланган товушлар сони тилдаги фонемалар сонидан кўпдир. Шу туфайли товуш сегментлари ўзаро ўхшашлиги асосида қиёслаш орқали синфларга бирлаштирилади. Бундай ўхшаш синфлар бир фонеманинг аллофонлари (вариантлари ёки оттенкалари) ҳисобланади. Фонема эса фонетик жиҳатдан яқин бўлган товушлар группаси бўлиб, бошқа шундай товушлар группасига қарама—қарши қўйилади. Тилдаги фонемаларни аниқлашда дистрибуция методидан фойдаланилади.

¹ Қаранг: В.К.Журавлев. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций. «Вопросы языкознания», 1972, № 3, стр. 36—49.

² Қаранг: Г.Глисон. Введение в дескриптивную лингвистику (перевод с англ.) М., 1959; З.Харрис. Метод в структуральной лингвистике (раздел «методологические предпосылки»). В книге: В.А.Звегинев. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях, ч. 2. М., 1960, стр. 153-171.

Бирор элементнинг умумий дистрибуцияси деганда, унинг барча ўринларда ишлатилиши, бошқа элементлар билан бирикиши, сўз, морфема ва бўғиннинг боши, ўртаси ва охирида қўлланиш ҳолатлари, урғуга муносабати тушунилади. Одатда уч ва баъзан тўрт хил дистрибуция фарқланади.

1. Икки элементдан бири учраган ўринда иккинчиси учрамаса, улар бир – бирига нисбатан **тўлдирувчи дистрибуцияда** дейилади. Масалан, (п), (т), (к) ундош товушлари унлилардан оддин, икки унли ўртасида ва сўз охирида келганда аспирацияли ва бошқа ўринларда – ундошлар билан ёндош келганда аспирациясиз товушлар ҳисобланади. Демак, аспирацияли ва аспирациясиз (п), (т), (к) товушларининг биринчилари учраган ўринда иккинчилари учрамайди. Шу сабабли бу товушлар (п),(т),(к) фонемаларининг аллофонлари (вариантлари) ҳисобланади. Тўлдирувчи дистрибуция баъзан фонемаларнинг вариантларини аниқлашда қўл келмайди. Масалан, ўзбек тилида (нг) фонемаси фақат сўз охирида келади ва бу ўринда мустақил фонема ҳисобланади. У сўз ўртасида келганда икки бўғинга ажралиб кетади ва бу ҳолатда ундошлар бирикмаси (н – г) ҳисобланади. Демак, (нг) товуши тўлдирувчи дистрибуцияда қатнаша олмайди. Тўлдирувчи дистрибуция асосида қаралганда, рус тилидаги кўпгина бахслашувларга сабаб бўлаётган (и) ва (и) унлилари бир фонеманинг аллофонлари ҳисобланиши мумкин. Чунки (и) товуши доим сўз бошида ва юмшоқ ундошлардан кейин, (и) эса фақат қаттиқ ундошлардан кейин ва ҳеч вақт сўз бошида кела олмайди. Ваҳоланки, баъзи тилшунослар (и) ва (и) ни рус тилида икки фонема деб ҳисоблайдилар. Дескриптив фонологияда фонемага акустик жиҳатдан яқин бўлган «товушлар синфи», «аллофонлар синфи» деб таъриф берилиши ҳам тўлдирувчи дистрибуцияга асосланган.

2. Иккинчи тип **контраст дистрибуция** деб аталади. Бир ўринда ишлатилиб, шу ўринда маънони фарқлашга хизмат қилувчи элементлар контраст дистрибуцияда дейилади. Бунда ҳар бир элемент (товуш) тилдаги бирликларнинг (фонемаларнинг) вакили сифатида қаралади. Ҳар хил фонемаларнинг аллофонлари контраст дистрибуцияда бўлади. Масалан: ток – пок – нок сўзлари бошидаги ундошлар контраст дистрибуцияда бўлиб, (т), (п), (н) фонемаларининг аллофонларидир. Бундай сўзлар эса, минимал жуфтликлардаги сўзлар дейилади. Минимал жуфтликдаги сўзларни қарама – қарши қўйиш орқали фонемалар сони ва уларнинг артикуляцион – акустик фарқлари аниқланади. Бироқ, бу методга формал жиҳатдан қараб, маънони фарқлаш хусусиятларига эътибор бермаслик ноўриндир.

3. Дистрибуциянинг учинчи типи – **эркин вариация** («свободно варьирование») деб юритилади. Бир хил ўринда ишлатилувчи, лекин маънони фарқламовчи ҳар хил элементлар эркин вариацияда дейилади. Масалан, ўзбек тилида (е) товушини айнан бир ўринда (кўпинча сўз бошида) ярим очиқ ёки очиқ талаффуз этиш сўзнинг маъносини ўзгартирмайди. Худди шундай баъзи ундошларни, айтайлик, (к), (г), (л) ни айнан бир ўринда қаттиқ ёки юмшоқ талаффуз этиш сўзнинг маъносига путур етказмайди. Бу товушлар ўша фонемаларнинг эркин аллофонлари дейилади. Фонеманинг эркин аллофонлари эркин вариация дистрибуцияси ёрдамида аниқланади. Бу дистрибуция баъзан эквивалент дистрибуция деб аталади.

4. Қисман эквивалент дистрибуцияда икки ҳар хил элемент бир ўринда баъзан ишлатила олади. Бунда бир элемент иккинчисининг эркин аллофони сифатида қаралади ва бошқа товуш синфининг вакили ҳисобланади. Масалан, Тошкент шеvasида «**тароқ**» сўзи (**тарор**), «чалғу» — (чолғу), «бойвачча» — (бойвочча) каби талаффуз этилади. Улардаги товуш алмашинуви сўзларнинг маъносини ўзгартира олмайди. Аслида эса талаффузда алмашingan товушларнинг ҳар бири бошқа фонемаларнинг аллофонларидир.

Юқоридаги дистрибуцияларда асосан товушлар ўртасидаги фонетик жиҳатдан (артикуляцияон ва акустик) яқинлик асосий вазифа ҳисобланади. Бирор сегментни акустик (спектрографик) анализ қилинса, унинг бир қанча хусусиятларини аниқлаш мумкин. Фонологик таснифда эса, ўша аниқланган хусусиятларидан қайсилари тидаги маънодор бирликларни фарқлаш учун хизмат қилишини билишимиз мумкин. Дехотомик фонология назариясида ана шу принципа эътибор берилган. Дистрибутив фонологияда контраст дистрибуция минимал жуфтликдаги сўзлар орқали тушунтирилган ва бу сўзларнинг сони қанчалик кўп бўлса, уларда фарқланувчи фонемаларнинг «функционал хизмати» («функциональная нагрузка») шунчалик кўплиги кўрсатилган. Аслида контраст дистрибуция Н.С.Трубецкой назариясидаги фонологик оппозицияларни эслатади ва ҳар иккиси ҳам фонемаларни парадигматик жиҳатдан қараш билан боғлиқдир. Дистрибутив фонологияда контраст дистрибуция синтагматик томондан қаралиб (нутқ сегментациясидаги кичик сегмент — товуш сифатида), шу туфайли минимал жуфтликдаги сўзларнинг нутқда ишлатилиш частотаси «функционал хизмат»га тенглаштирилган. Фонемаларнинг частотасини минимал жуфтликдаги сўзларда эмас, балки ҳар хил сўзларда ишлатилишига кўра аниқлаш фойдалидир. Фонологик статистика асосий метод бўлмай, у назария учун ёрдамчилик вазифасини бажаради.

Дистрибуциялар ўртасидаги алоқа билан оппозициялар ўртасидаги алоқа ўртасида логик жиҳатдан баъзи ўхшашликлар бор. Ҳар хил оппозициялар ўртасидаги алоқа билан ҳар хил дистрибуциялар ўртасидаги алоқа схематик жиҳатдан бир хил кўринишда бўлиб, логик жиҳатдан бир ташқи ўхшашлик алоқасини эслатади. Кесма алоқа эквивалент оппозициялар ўртасидаги алоқанинг бир қисмига ва контраст дистрибуциялар ўртасидаги муносабатга тўғри келади. Ўхшашлик алоқаси бир товушнинг йўқ товуш оппозицияга (ноль оппозиция: йўқ — о ўқ каби) тахминан тўғри келади ва эркин вариацияни ифодалайди. Градуаль («поғонали») оппозициялар ўртасидаги алоқа ва қисман эквивалент дистрибуциялар алоқаси логик жиҳатдан киритма алоқани эслатади. Ж.Кантино томонидан юқоридаги логик ва схематик ўхшашликлар аниқланган. Киритма алоқага Ж.Кантино ўзбек тили вокализмини (Тошкент шеvasи асосида) мисол келтиради.¹ Системадаги олти унли : (и — е — а), (у — ў — о) бўлса, ҳар икки қатор ўртасидаги муносабат ўхшаш бўлиб, логик жиҳатдан киритма алоқани эслатади ва бу формулалар билан изоҳланади.

Умумий дистрибуцияга таъриф берилганда, маълум элементнинг ўрни ва ҳолати, унинг ишлатилиш тартиби (бўғин, морфема, сўз ва бошқаларнинг

¹ Бу масала Ю.С.Степановнинг «Методы и принципы современной лингвистики» (М., 1975, стр. 217) китобида келтирилади.

бошида, ўртасида ва охирида), бошқа элементлар билан бирикиши, урғу, чўзиқлик ва тонга (музикал урғули тилларда) муносабати аниқланиши айтиб ўтилди. Юқорида мустақил фонемага тегишли аллофонлар уларнинг фонетик жиҳатдан яқинлиги асосида аниқланади. Нутқ шартли равишда кетма—кет келувчи товушларнинг бирикмасидир. Сўз фонетик жиҳатдан бўғинлардан, морфологик жиҳатдан морфемалардан ташкил топади (баъзи сўзлар бир бўғинли ва бир морфемали: тош, бош, нок каби).

Бўғинлар товушлардан, морфемалар фонемалардан тузилган ва улар ёрдамида сўзлар тузилганда ўз—ўзидан уланиб кетмай, бунда нутқ ва тилдаги бошқа воситаларнинг, хусусан, урғу, чўзиқлик, тон ва баъзи тилларда интонациянинг ҳам катта хизмати бор. Нутқ маълум тартибдаги йўналишда бўлса, тил бундай йўналишга эга эмас, лекин маълум тартибда ўзидаги birlikларнинг система ва структурасига эга. Тилдаги фонемаларни, маънодор birlikларни ҳосил қилишда гўё «ғишларни кетма—кет ёки устга—уст қўйиш» каби қиёслаш керак эмас. Агар шундай бўлса, фонемаларнинг фарқланиш белгиларни ажратиб олиш онсон бўларди ва ҳеч қандай оппозиция ва дистрибуция методлари зарур бўлмас эди. Аксинча, товушларнинг бирикувида уларнинг артикуляцион—акустик хусусиятлари кетма—кет ҳолатда эмас, балки улар ўртасидаги боғланиш хилма—хил ва мураккабдир. Улардан қайсиниси тилдаги маънодор birlikларни фарқловчи ёки фарқламовчи вазифасини бажариши масалага бирор зарур принцип ёрдамида ёндашишни талаб қилади. Ана шундай принциплардан бири барча тилларда қўлланувчи «берилганлик ва олганлик принципи»дир. Нутқда бизга товушларнинг артикуляцион—акустик хусусиятлари «берилган» бўлса, уларни чуқур текшириш орқали (экспериментал—фонетик ёки талаффузни оддий кузатиш ёрдамида), қайсиниси тилда маънодор birlikларни фарқлашда аҳамиятли эканлигини аниқлаш—«олинган» натижа ҳисобланади. Бу принцип ёрдамида «олинган» натижа фонология учун зурурдир. Бу принципти фонологияга татбиқ этишни таклиф этган Т.П. Ломтев : «фарқланиш элементлари берилганлик характерида бўлмаслиги керак, улар маълум принцип асосида назарияга татбиқ қилиниши зарур»¹ деб кўрсатади. Фонемаларнинг фарқланиш ва фарқланмаслик белгиларини аниқлашда бошқа принциплар Н.С.Трубецкой ва дихотомик фонология назарияларида берилган. Дихотомик фонологиянинг фонемалар фарқланиш белгиларини аниқлашда фақат иккиталик (бинаризм) принципига ёндашгани назарий жиҳатдан шубҳалидир. Чунки баъзи белгиларнинг табиати аслида бинар тартибда берилган (масалан, жарангли—жарангсиз), бироқ уларнинг кўпчилиги шу тартибда берилмаган. Шу сабабли логик принцип ҳисобланган оппозицияларни иккитадан (бинар, дихотомик) қилиб олиш ҳамма ўринларда ҳам тўғри келавермайди. Айниқса, просодик (урғунинг фонологик роли) белгиларни дихотомик тартибда қараш логик жиҳатдан тўғри эмас. Бир йўла урғу ва чўзиқликни фонологик белгилар сифатида қараладиган тилларда кўпинча урғу асосий фарқлаш белгиси бўлиб, чўзиқлик эса унга ёрдамчи сифатида бошқариб боради. Масалан, чех тилида бу хусусият яққол кўринади. Мексикадаги ҳиндуслар тилида унлиларни чўзиқ, ярим чўзиқ ва қисқа талаффуз қилиш, яъни учта фонема

¹ Т.П. Ломтев. Принцип бинарности в фонологии. Научные доклады высшей школы, Филологические науки, 1965. № 3. стр. 74.

оппозицияси (логикада у «тренирная оппозиция» дейилади) ургу билан боғлиқ бўлиб, сўзларни фарқлашда фонологик жиҳатдан аҳамиятлидир.

Хитой, япон, вьетнам ва баъзи африка тилларида музикал ургу – овоз тони бир неча даражада юқори ва паст бўлиши (Е.Д. Поливанов терминича «тонема») фонологик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Бу мисоллар тиллардаги сегментал (фонемалар) ва суперсегментлар (ургу, тон, бўғин) поғоналар ўртасидаги маълум боғланишни кўрсатади. Кўпгина тиллар фонологик системаларнинг диахроник (тарихий) ва синхроник (ҳозирги) томондан тадқиқ қилиш ургу ва фонемаларнинг чўзиқ – қисқалиги кўпинча алоқадор эканлигини кўрсатади.¹ Бу хусусият товушларнинг дистрибуцияси уларнинг берилиши ва фонологик оппозициялар, кенг маънода сўзнинг структураси, бўғин ва ургунинг табиати, ўрни билан узвий боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

ФОНОТАКТИКА

Одатда, бўғин, сўз ва морфемаларнинг фонетик ва фонологик структурасини ўрганишда улар таркибидаги унлилар (V) белгиси билан, ундошлар (C) белгиси билан кўрсатилади. Бунда бир бўғинли «у» сўзи (V) , «шу» сўзи (CV), «тил» сўзи (CVC) каби кўрсатилиб, кўп бўғинли «китоблар» сўзи (CVCVCCVC) шаклида кўрсатилади. Агар ундош товушларни аниқроқ кўрсатмоқчи бўлсак, портловчи ундошни (T), сирғалувчини (S) , шовқинли сонантни (R), бурун сонантни (N) белгиси билан кўрсатамиз. (Баъзан аниқроқ бўлиш учун аффикатни

(TS) ва ҳар бир ундошни ўнгдан чапга қараб (C₁, C₂, C₃...) белгилари билан кўрсатамиз). Сўзларнинг фонетик ва фонологик структурасини шу тартибда тадқиқ қилиш бир йўла бўғин ва морфемаларнинг структурасини ҳам аниқлашга ёрдам беради ва у баъзан «фонотактика» номи билан аталади. Кузатишларга қараганда, умуман ўзбек, рус ва инглиз тилларида қуйидаги бўғин типлари мавжуд: V , CV, VC, VCC, CVC, CCV, CCCV, CCVC, CVCC, VCCC, VCCCC, CVCCC, CCVCC, CCCVC кабилар . Бунда бошқа тилларда, биринчи навбатда рус тилидан кирган сўзларда учрайдиган бўғин структуралари ҳам ҳисобга олинган. Барча тиллар учун умумий бўлган универсал бўғин типлари CV, CVC лардир. Ўзбек тилида ҳам бу бўғин типлари жуда кўп учрайди. Бу жиҳатдан Н.А.Баскаковнинг CVC бўғинини қадимий туркий тиллари учун типик деб, (C) VC, CV (C), C(V)C ларни ўша CVC структурасининг фонетик ривожланиш натижасида бир элемент йўқолган (қавсда – () берилган) деб кўрсатиши² диққатга сазовордир.

Сўз – «тилнинг марказий бирлиги» (А.И.Смирницкий) сифатида, фонетик жиҳатдан бўғинларнинг ва морфологик томондан морфемаларнинг синтезидир.³ Шу тўғрисида сўзлардаги товуш бирикмаларини аниқлаш, уларнинг сўз бошида, охирида ва ўртасида қандай ҳолатда бирикиши ва бу масаланинг бўғин ва ургу билан муносабатини ўрганиш фонотактиканинг асосий вазифаси ҳисобланади. Сўзларда унли – унли (VV), унли – ундош (VC), ундош – унли (CV), ундош – ундош (CC), бир неча ундошлар

¹ Қаранг: Б.А.Серебренников, Вероятностные обоснования в компаративистике. Изд. «Наука», М., 1974, стр. 64-70, 101-116.

² Н.А.Баскаков. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969, стр. 122-123.

³ Қаранг: Е.Курилович. Структура морфемы. В его книге «Очерки по лингвистике». М., 1962, стр. 71-91.

бирикмаларининг ((ССС) каби) қайси уринларда учраши кўпгина тилларда ҳар хил бўлиб, уларнинг баъзилари бир тилда бор, иккинчисиде йўқдир. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги сўзларнинг бошида келувчи СС бирикмалари кейинча рус тили орқали кириб келган. Уч ундош бирикмалари (ССС) сўз ўртасида ва охирида учрайди ва бугин чизиги бундай бирикмаларни, одатда, икки бугинга ажратиб юборади ва кейинги бугин урғу олади: қирқма ($C_1 V_1 C_2 C_3 C_4 V_2$) ёки (TV RT NV), туркча ($C_1 V_1 C_2 C_3 C_4 V_2$) ёки (TVRTTSV), олтиш ($V_1 C_1 C_2 C_3 V_2 C_4$) ёки (VRTNVSV) каби.

Бундай товуш бирикмаларида айрим фонетик ўзгаришлар, шу структурадаги товушларнинг артикуляцион—акустик хусусиятларининг алоқаси, бугиннинг типи ва урғунинг таъсири натижасида рўй беради. Бунда бир хусусиятнинг иккинчи хусусият ҳисобига ёки таъсирида бўлиши уларнинг **компензация принципи** дейилади. Масалан, баъзи тилларда, хусусан инглиз тилида, экспериментал кузатишларнинг натижасида айрим товушнинг чўзиқлиги ўша сўздаги товуш ва бугинларнинг сонига тўғри пропорционал эканлиги аниқланган. Умуман бирор сегментнинг (товуш бирикмаси ҳам сегмент деб қаралади) ўртача чўзиқлиги сўздаги бугинлар сонининг кўпайиши ҳисобига қисқаради. Ўзбек тилидаги биринчилардан сўзидаги учта (**и**) товушнинг фонетик чўзиқлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Бунда сўзнинг охириги бугинидаги урғу олдинги бугинларга таъсир қилиши : ўз навбатида ёндош товушларнинг артикуляцион—акустик хусусиятларининг ўзаро боғланиши сезиларлидир. Товуш бирикмаларининг талаффузида аввалги товушдан кейингисига ва аксинча, кейингисидан аввалгисига артикуляцион (ҳам акустик) жиҳатдан ўтиш процессларининг ва унда нутқ механизмларининг ҳаракатини чуқур экспериментал ўрганилиши сўзнинг фонетик структурасини текширишда катта аҳамиятга эгадир. Бу фонологиянинг фонотактика билан боғлиқ томонларигина эмас, балки умуман фонемаларнинг фарқланиш ва фарқланмаслик белгиларини ва уларнинг бири иккинчисига таъсир этиши; айниқса, фарқланмаслик белгилари ҳам маълум аҳамиятга эга бўлиб, баъзан фарқланувчи белгилар билан бир қаторда қаралишини, бунда бугин ва урғунинг ҳам хиссаси борлигини аниқлашга назарий жиҳатдан қимматлидир.

СУПЕРСЕГМЕНТ ФОНОЛОГИЯНИНГ МЕТОДЛАРИ

Юқорида суперсегмент фонологияга тегишли тушунча ва терминлар ҳамда уларни ўрганиш методлари ҳақида баъзи масалалар ёритилди. Суперсегмент воситаларни тадқиқ қилишда ҳар хил назарий фикрлар ва методлар таклиф этилаётгани туфайли уларни амалда қандай тадбиқ этиш масаласи ҳам хилма—хилдир.

Суперсегмент фонология (ёки «юқори—сегмент фонология», «просодика») тилдаги ифода элементларининг юқорисидеги ва баъзи сегмент фонемаларга хос бўлган фарқланиш воситаларини ўрганг. Просодик фарқланиш воситаларига ҳар хил тилларда урғу

¹ Қаранг: О.С.Ахманова. Фонология. Морфонология. Морфология. Изд. 25.

гап(фраза) ургуси), тон, чўзиқлик, пауза, темп, тембр, оҳанг ва бўғинларга хос бўлган бўғин чўққиси («вершина слога»), бўғиннинг олди ва орқасидан уланувчи воситалар ҳамда сегмент фонемаларнинг баъзи белгилари, аспирация, қайта аспирация («преаспирация»), сингармонизм, бўғизни қисиш кабилар киради. Бу воситалар «просодема» деб ҳам юритилади. Улардан баъзилари интонацияга ҳам тегишли бўлгани учун (оҳанг, гап ургуси, темп, тембр, пауза кабилар) интонация ҳам просодиканинг ўраниш объектига киради. Кўпинча ургу ва (кучли динамик ургу) тоннинг (музикал ургу) фарқлаш воситалари, яъни просодик белгилари «акцентация» ёки «**акцентология**» термини билан аталади. Бунда интонациянинг фонологик (просодик) белгилари эса (просодия) ёки «просодика» баҳсида алоҳида қаралади. Гироқ фақат интонацияни суперсегмент фонетика ва фонологияда текширилиши мақсадга мувофиқ эмас. Акцентологиянинг асосий элементар билиги қилиб бўғин олинади. Бунда бўғин ургусининг тилдаги маънодор бирликларни фарқлашига кўра, «акцент 1, акцент 2» ва ҳоказо тартибда номланади. Бўғиндаги ургунинг даражасигина эмас, балки ҳар хил фонологик (просодик) воситалар, чўзиқлик, куч ва тоннинг иштирокига кўра акцентлар маълум тартибда квалификация қилинади.¹ Акцентологик метод баъзан гап (фраза) ургусининг ҳам фонологик воситаларини ўз ичига олади. Бунда сўз ва гап ургуси аралаштирилмай, балки улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар аниқланиши зарур. Туркий тилларда кўпинча сўз ва гап ургусининг ўрни бир хил бўлса ҳам, улар ўртасидаги фарқ бўғинларнинг бириктиш тартиби ва гапда сўзлар тартиби борасида қаралиши керак. Америка тилшунослигида сегмент фонемика (ёки фонология) ва просодик фонемика фарқланади. Бўғин контурида иштирок этган ҳар бир товуш белгиси (артикуляция—акустик) «просодема» ёки «просодик фонема» деб аталиб алоҳида текширилади. Баъзан америка тилшунослари «интонацион просодема» терминини интонациянинг фонологик функциялари ҳақида гап борганда ишлатадилар.²

Баъзан улар чегара сигнали, ургу, интонация ва тиниш белгиларини суперсегмент фонемалар сифатида қарайдилар. Н.С.Трубецкой сўзлардаги просодик воситалардан фраза (гап)лардаги просодик воситаларни фарқ қилади ва ҳар иккисини умуман прпросодияга бирлаштиради. Одатда, сегмент фонемалар ўртасидаги қарама—қаршилик ҳақида гапирганда «оппозиция термини ишлатилади, чунки фонемалар тил бирлиги ҳисобланади. Ургу ва интонация тилнинг бирлиги эмас, балки шу бирликлар устида («сверхсегментнўй») маълум вазифани бажарувчи воситалардир. Шу туфайли ургу ва интонациядаги қарама—қаршилик «контраст» термини билан аталади. Баъзан ургу ва интонацияни фонологик функциялари (маънони фарқлаши) ҳақида гап борса. Уларни «просодема» ёки «акцентема» ва «интонома» деб ҳам аташади. Бунда сўз ургуси—«сўзакцентема», гап (фраза) ургуси—«фразоакцентема», синтагма ургуси—«синтагмоакцентема» (терминлар В.А.Васильева тегишли) деб юритилади. Тоннинг юқори ва пастки даражаси гапда фонологик функцияни бажарса, «тонома» термини ҳам ишлатилади. «Тонема» термини дастлаб Е. Д.Поливанов томонидан музикал уруга (тонга) эга бўлган тилларда (хитой,

¹ Қаранг: С.Д. Кацнельсон. Сравнительная акцентология германских языков. М. — Л., 1966.

² Қаранг: Э.Хэмп. Словарь американской лингвистической терминологии. М., 1964, стр. 169—170.

япон, дунган, вьетнам тиллари) ва шу билан бирга Е.Д.Поливанов «синалабима» (буларнинг айниқса «акцентема» (Умуман олганда бу терминларнинг ҳам биринчи борада айтилган бошланғич қисмига қаранг.) Умуман олганда бу тасниф қйлинаётган тилдаги урғунинг асосий ва асосий эмас бўлишига ва нуқтафонетик фонетик бўлишига ҳам боғлиқдир.

Урғу унинг компонентлари ҳисобланганича, чуқурлик интонация ва асосий частота тонининг қайси бири етакчи эканлигига қарай, уч турли бўлади: 1) динамик ёки куч урғуси, бунда интонация етакчи бўлади (рус, инглиз, ўзбек тиллари); 2) квантитатив урғуда чуқурлик етакчи бўлади (чирк тили); 3) музикал (тон) урғу — тон етакчи (серб, япон, дунган тиллари).

Кўпгина тилшуносларнинг фикрича, туркий тилларда бир йўла динамик ва тоник урғу борлиги айтилади. Ўзбек тилида сўз урғуси динамик эканлиги экспериментал тадқиқ қилинган.¹ Ўзбек тилида сўз урғусининг фонологик функцияси² анча чегараланган. Чунки урғунинг ўрнига кўра жуда кам сўзларни фарқлаш мумкин: олма «яблока» — олма «не берн», тўхта «имя собственное» — тўхта «остановись», босма «промакашка» — босма «не топтай» каби.

Ўзбек тилида урғунинг сўзни ташкил этиш функцияси айниқса кучлидир. Ўзбек тилида совет — интернационал сўзларни ҳам ҳисоблаганда, урғунинг ўрни ҳар хил — эркиндир: партия, программа, академик, секретарь каби. Туркий тилларда асосий урғу кўпинча сўзнинг охири бўлишига тушади. Ўзбек тилида кўп бўғинли сўзларда урғуни асосий ва иккинчи даражали урғуга ажратиш (А.А.Клименко), 1 —, 2 —, 3 — даражали ва кучсиз урғуни (А.Ф.Себерг) фарқлаш каби қарашлар мавжуд. Бироқ бу қарашлар экспериментал жиҳатдан тасдиқланмаган. Ўзбек тилида бир бўғинли, икки бўғинли, кўп бўғинли ва қўшма сўзлардаги урғунинг табиати, унинг кучи ва қўлланиши каби масалаларни акцентологик метод орқали тадқиқ қилиш фойдадан холи эмас. Чунки сўзларнинг акцент структураси ҳар хил ва мураккабдир. Кейинги даврда сингармонизм ҳам фонологик ҳодиса сифатида қаралмоқда. Чунки сингармонизм сўзга тегишли бўлиб, ундаги унлилар белгилари («қатор, лабланганлик») суперсегмент восита деб қарашни тақозо қилади.³

Фраза урғуси, одатда, интонациянинг етакчи бир компоненти ҳисобланади. Шу туфайли унинг табиати гапларда, фраза ва синтагмаларда алоҳида ўрганилади. Бунда фразоакцентема ва синтагмоакцентеманинг фонологик функциялари алоҳида текширилиши зарур. Бироқ бу вазифани аввал экспериментал текширмай бажариш чуқур хулосаларга олиб келмайди. Интонациянинг фонологик функциялари хали анча муаммолидир. Ҳозирча унинг маънони фарқлаш хусусиятлари фонетик текшириш методлари (экспериментал фонетикага) орқали аниқланмоқда. Интонацияга тегишли воситалардан фраза урғуси, оҳанг ва паузанинг (синтагматик бўлинишда) фонологик воситалар сифатида ишлатилиши анча аёндыр.

¹ Қаранг: А.Махмудов. Словесное дарение в узбекском языке. Ташкент, 1960.

² Бу масала биринчи бор А.Ф.Гуломов томонидан кўрсатилаган. Қаранг: Ўзбек тилида урғу. Тошкент, 1947.

³ Қаранг: В.А.Виноградов. Типология сингармонических тенденций в языках Африки и Евразии. Сб. «Проблемы африканского языкознания». М., 1972, стр. 125 — 163.

Чунки фраза ургуи орқали гапдаги асосий маънони ўша ургу тушган фразага (сўз ёки сўз бирикмасига ва гапга тўғри келади) қаратиш мумкин, масалан:

Бу ерда мен хўжайин (Сен эмас).

Бу ерда мен хўжайин (У ерда эмас).

Бу ерда мен хўжайин (Кичик ходим эмас).

Гапдаги маънонинг ўзгаришида эмоционал хусусият ҳам мужассамлашган. Интонациянинг фонологик ва эмоционал функциялари кўпинча қўшилиб кетади.

Бу менинг укам Қодир.

Бу менинг укам, Қодир.

Бу гапларни ёзма нутқда фарқлаш осон, бироқ оғзаки нутқда биринчи гап бир фраза (Бу менинг укам Қодир) ёки икки фраза (Бу менинг укам, Қодир) шаклида талаффуз қилинса, маъно деярли ўзгармайди. Лекин икки ёки уч фраза бўлганда, маъно тамоман ўзгариб кетиши мумкин: Бу менинг укам — Қодир; Бу (менинг укам), Қодир (Қодирга укасини таништирамоқда).

Оҳанг (мелодия)нинг кўтарилиш ва пасайиши ҳам фонологик восита бўлиб, гапни коммуникатив турларини (дарак, сўроқ, ундов гаплар) фарқлашда хизмат қилади: Мен бордим. — Мен бордим? — Мен бордим! Интонациянинг фонологик функциялари айниқса йирик фразаларда кўпроқ билиниши мумкин. Чунки йирик фразаларнинг синтагматик жиҳатдан кўпроқ бўлакларга бўлиниши ва унда маънони ажратиш воситаларнинг хилма — хиллиги очикроқ кўринади. Халқ мақол ва маталларида, латифаларида ва аскияларида интонациянинг фонологик ва эмоционал функцияси жуда кучли бўлиши билан бирга паралингвистик воситаларга ҳам бой эканлиг сезилади. Шу туйфайли суперсегмент ва паралингвистик (бунга имо — ишора, оҳанг, овоз фонацияси, айрим артикуляция турлари кабилар киради) воситалар бир — бирларига боғланиб тадқиқ қилиниши лозим. Интонация гап турларини аниқлашда ёрдам берса ҳам, у гапга тегишли эмас. Чунки гап грамматика (синтаксис) нинг бирлиги бўлса, фраза фонетиканинг бирлиги ҳисобланади. Фонетик жиҳатдан фразалар, ўз навбатида, тактлар, бўғинлар ва товушларга бўлинади. Бир фраза бир гапга тенг бўлиши мумкин. Бироқ гапнинг ўзи интонацияга эга бўла олмайди. Интонация фраза орқали тилдаги ифода воситаси вазифасини бажаради ва структураси жиҳатдан мураккаб ҳисобланади¹. Интонация фонетик ҳодиса бўлиб, йирик фонетик бўлак фразага тегишли ва у орқали гапга кўчирилади.

ЧЕГАРА СИГНАЛЛАРИ

Тилдаги фонологик воситалар сўзларни фарқлаш учун хизмат қилса ва уларнинг сони аниқ бўлса, сўз, морфема ва гапларнинг чегарасини белгилловчи мураккаб «делиметатив» воситалар ҳам борки, улар «чегара сигналлари» («пограничнўе сигнали») деб аталади. Бундай чегара сигналлари, одатда, эшитувчининг эътиборини ўзига тортади. Улар **фонематик**, яъни бир йўла фонологик ҳамда чегарани кўрсатувчи

¹ А.А.Реформатский. Прологомены к изучению интонации. В его «Фонологические этюды». М., 1974, стр. 5-72.

вазифасини бажарувчи ва бундай хусусиятга эга бўлмаган — фонематик чегара сигналлари деб юритилади. Фонематик сигналларга фонемалар комбинатор вариантларининг ҳар хил ўринларда ишлатилиши, урғунинг бошқа бўғинга кўчмаслиги киради. Н.С.Трубецкой туркий тилларда урғу сўзнинг охириги бўғинида бўлишини ва у сўзларни фарқлашда хизмат қилмаслигини айтиш билан бирга, баъзан ўзбек тилида феълнинг баъзи формаларида (масалан: ҳозирги замон феълининг — йор сўроқ формаси) урғунинг биринчи бўғинга кўчишини кўрсатади. Н.С.Трубецкой бунда Е.Д.Поливанов фикрига асосланади. Бироқ ўзбек тилида баъзи товушлар урғунинг ўрни билан бирликда фонетик чегара кўрсаткичи функциясини бажариши сезилади.

Масалан: Ота бошлади — «отец начал».

Ота бошлади — «начал стрелять».

Бу гапларда (гапни) ота бошлади; (Сержант) ота бошлади. Урғунинг ўрни ва унли товушлар биринчи сўзни иккинчисидан чегаралашда алоҳида хизмат қилади.

«Ахмад ётоқ олди» — «Ахмад ёта қолди» гапларида (қ) товуши сўзларни бошловчи ёки тамом қилувчи вазифасини бажаради. (қ) товушининг қайси сўзга тегишли экани, шу гапнинг маъносини очади.¹ Юқоридаги мисолда «ётоқ» ва «ёта» сўзларидаги (о) ва (а) унлилари ўртасидаги фарқ жонли талаффузда, айниқса, Андижон шеvasида сезилмай кетади. (Баъзан шу хусусият «от олди — аталди», «ёғламоқ — ёлламоқ» мисолларида Тошкент шеvasида (ғ) нинг кучсизлашуви ёки тушиб қолиши ҳисобига юз беради. А.А.Реформатский рус тилидаги шундай мисоллардан қуйидагиларни келтиради: К Ире — Кире, К Оле — Коле² кабилар). Юқоридагига ўхшаш мисолларнинг жуда камлиги ўзбек тилида чегара сигналларининг функцияси чекланганидан дарак беради. Сўз ёки морфеманинг чегараси функционал маънодор birlik сифатида «чегара фонемаси» (АҚШ тилшунослари), «диэрема» (М.В.Панов), «синдема» (С.Д.Кацнельсон) ва кўпроқ «чегара сигнали» (Н.С.Трубецкой) терминлари билан аталади. Улар ўртасида терминологик фарқлардан ташқари баъзи назарий мунозарарага сабаб бўлувчи масалалар ҳам бор. Умуман, тиллардаги чегара сигналларининг фонетик ва фонологик табиати ҳали етарли ўрганилмаган. Чегара сигналлари сегмент ва суперсегмент фонологиянинг ўзаро боғлиқлигини яққол кўрсатувчи воситадир.

МОРФОНОЛОГИЯ

Морфонологиянинг бирлиги ҳисобланган морфемалар фонемаларнинг маълум тартибда бирикувидан тузилади. Бу фонемага «сўз ва морфемаларни ҳосил қилувчи ва фарқловчи энг кичик тил бирлиги» деб берилган таърифда ҳам ўз ифодасини топган. Кейинги давр тилшунослигида (XX асрда) морфемаларнинг фонологик структурасини текширувчи соҳа «морфонология» (ёки «фономорфология», «морфофонология») термини

¹ Қирғиз тилида шунга ўхшаш мисол ва хусусиятни қаранг: А.Орусбаев. Киргизская акцентуация. Фрунзе, 1974.

² А.А.Реформатский. Фонологические заметки. «Вопросы языкознания». 1957, № 2, стр. 100 — 101.

билан атала бошлади. Унинг вужудга келишида Н.С.Трубецкой алоҳида хизмат кўрсатди. Н.С.Трубецкой фикрича, морфонология: 1) сўз фонологиясининг бир қисми бўлиб, морфемаларнинг фонологик структураси билан иш кўради; 2) грамматиканинг бир боби; 3) морфонология морфология ва фонологияни узвий боғловчи бўлиб, грамматикадан ўзига муносиб ўрин эгаллаши керак. Кейинча Н.С.Трубецкой морфонология назариясининг вазифаси уч қисмдан иборат деб кўрсатади: 1) морфемаларнинг фонологик структураси ҳақидаги назария; 2) баъзи морфемаларда учрайдиган комбинатор ўзгаришлар назарияси; 3) морфологик функция бажарувчи товуш алмашинуви назарияси.¹

Бу вазифаларнинг **биринчиси морфонологиянинг** асосий ўрганиш объектидир. Иккинчиси — фонологиянинг вазифаси, учинчиси эса морфонологияга киради (унда ички флексия, инфексация каби хусусиятлар ўрганилади).

Кейинги йилларда морфонологияга «морфологик элементларни ташкил қилишда ҳар хил фонемаларнинг қўлланиш принципини тадқиқ қилувчи фан»² ва икки мустақил бобдан: а) ҳар хил тилдаги морфемаларнинг товуш томони ҳақидаги ва б) алоҳида структурал бирлик бўлган морфемаларнинг товуш томони ҳақидаги таълимотдан ташкил топган, ўз бирлигига эга бўлмаган ва базиси йўқ («небазиснўй») тил босқичи³ деб таърифлар берилди. Ҳар икки таъриф ҳам Н.С.Трубецкойнинг биринчи тезисини тасдиқлайди. А.А.Реформатский морфонологияга кўп аниқликлар киритди ва уни базисли босқичлар (яъни ўз бирлигига эга бўлган), морфология ва фонология ўртасидаги «кўприк»ка ўхшаш базиси йўқ алоҳида босқич⁴ деб таърифлади. Шу туфайли морфонология грамматикага ҳам, фонологияга ҳам кирмайди, лекин уларнинг бирлиги бўлган фонема ва морфемадан фойдаланади. Баъзи тилшунослар томонидан тақлиф этилган «морфонема» термини (Г.Улашин, Н.С.Трубецкой ва бошқалар) ўз кучини йўқотади, чунки у фонемаларнинг морфемалардаги алмашуви (масалан, «рука — ручка» да «к — ч») натижасида бир йўла икки фонемага тўғри келади. Морфонологиянинг ўз бирлиги йўқ бўлгани учун морфемалардаги фонетик ҳолат билан боғлиқ бўлмаган фонологик ўзгаришларни ўрганади ва бунда урғунинг морфемалардаги ҳар хил кўчишини ҳам ўз ичига олади.

Морфонологиянинг вазифаси чекланган бўлиб, морфемалардаги барча фонетик ўзгаришларни ўз ичига олмайди. Балки, маънони ўзгартириш ёки фарқлаш билан боғлиқ бўлган бир морфема доирасидаги ҳеч қандай ҳолат (позиция) билан боғлиқ бўлмаган фонемалар ўзгаришини ҳисобга олади. Масалан, ўзбек тилидаги морфемаларда учровчи комбинатор ва позицион ўзгаришлар морфонологияда текширилмайди. Улар фонетика ва фонологияга таалуқлидир. Баъзи ўзақ ва аффикс морфемалар ўртасида келувчи элементлар ҳам борки, улар ҳеч қандай семантик роль ўйнамайди.

¹ Н.С.Трубецкой. Некоторые соображения относительно морфонологии. («Пражский лингвистический кружок», М., 1967. стр. 115-118.

² О.С.Ахманова. Кўрсатилган асар. 52-бет.

³ А.А.Макаев, Е.С.Кубрякова. «О статусе морфонологии и единицах её описания», «Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие», М., 1969. стр. 91-114.

⁴ А.А.Реформатский. Ешё раз о статусе морфонологии, её границах и задачах. Кўрсатилган асар, 98-118-бетлар.

Масалан, «деярли» (де-й-арли), «ишқибоз» (ишқ-и-боз) сўзлари ўртасида келган элементлар оддий «сўзни уловчи» лик ҳарктерига эга бўлиб, морфонологик вазифа бажармайди. Ўзбек тилидаги бу кун – бугун, сез – сесканмоқ, паст – пасаймоқ, суст – сусаймоқ, улур – улғаймоқ, сон – саноқ, онг – англа, тара – тароқ, ўқи – ўқув, таши – ташув¹ каби сўзлардаги ўзак морфемаларда бўлган фонемалар ўзгариши морфонологик жиҳатдан қаралиши мумкин. Қорин – қорни, оғиз – оғзи, ўғил – ўғли сўзларида эгаллик кўшимчаси ёки аффиксал морфема ички флексияга ўхшаш кўринади, лекин кейинги аффиксал морфемалардаги (и) фонемаси «қорин» ўзак морфемасидаги (и) ни «едириб юборган» кўринади. Бу хусусият фақат шу ўринда учраши туфайли уни морфонологик ҳолат деб ҳисоблаш мумкин.

Умуман, морфонологик хусусиятлар ҳинд–европа тилларида туркий тилларга қараганда кўпроқ учрайди. Туркий тилларда морфонологик хусусиятлар бир йўла ўзак морфемадаги фонеманинг ўзгариши ва ургунинг аффиксал морфемага кўчиши билан берилган бўлиши мумкин: сез – сесканмоқ, онг – англа, тара – тароқ каби. Бунда морфонологик ўзгаришнинг бир йўла сегментал ва супрасегментал табиати кўринади. Туркий тилларда морфема ва бўгин чегарасининг тўғри келиш ҳоллари кўп учрайди. Бу ҳам морфонологик структурага таъсир кўрсатади. Лекин, бу ҳолат сингармонизм бор бўлган туркий тилларда морфонологик ва просодик жиҳатдан айниқса характерлидир. Туркий тиллардаги сўзларнинг ўзак морфемалари қиёсланса, улардаги морфонологик ўзгариши билиш мумкин.² Морфонологик хусусиятлар тилларнинг тарихий ривожланишида айниқса ҳар хил ҳолда кўринади. Улар сўз ўзгартириш ва сўз яшаш билан боғлиқ ҳолда баъзан тилнинг лексикология ва морфологиясида ҳам текширилади. Бироқ морфонологияни алоҳида тил босқичи деб ҳисоблаб, унга тегишли барча хусусиятларни ўрганиш тилнинг ички структурасидаги баъзи пайқалмай қолган аломатларни аниқлашда катта ёрдам беради.

¹ Мисоллар «Ҳозирги замон ўзбек тили». Тошкент, 1957, 287–294 – бетлардан олинди.

² Бундай мисоларни қаранг: А.М.Щербак. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970. Стр. 193–198. (Список общетюркских односложных основ.)

АДАБИЁТЛАР

Асосий:

- Аванесов Р.И. Фонетика современного русского литературного языка. Изд. МГУ, 1956.
Ахманова О.С. Фонология. Морфонология. Морфология. Изд. МГУ, 1966.
Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969.
Зиндер Л.Р. Общая фонетика. Изд. ЛГУ, 1960.
Реформатский А.А. Введение в языковедение. М., 1967.
Трубецкой Н.С. Основы фонологии. М., 1960.
Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1974.
Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970.
Якобсон Р. и Халле М. Фонология и ее отношение к фонетике. «Новое в лингвистике». Вып. 2. М., 1962.

Қўшимча:

- Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1966.
Ломтев Т.П. Фонология современного русского языка. М., 1972.
Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. (Глава «Фонология») М., 1973.
Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. Очерк. Хрестоматия. М., 1970.
Реформатский А.А. Фонологические этюды. М., 1975.
Решетов В.В. Узбекский язык. ч 1. Введения. Фонетика. Ташкент, 1959.
Степанов Ю.С. Принципы и методы современной лингвистики. М., 1975.
Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М., 1975. (часть «Фонетика»)
Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Т., 1992.

Босишга рухсат этилди 16.10.2000. Ҳажми 2,5 босма табок.
Бичими 60x84 1/16. Адади 100 нусха. Буюртма 77.
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмаҳонасида чоп этилди.

285c

